



ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ

12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

шоғиға

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2004 йил 11 ноябрь, пайшанба • 46 (3574)-сон

Ички ишлар ходимларининг касб байрами – 10 ноябрь куни республика ИИВда тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан орден ва медалларга сазовор бўлган бир груп ходимларга мукофотлар топширилди.



БАЙРАМ МУБОРАҚ, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!



Республика Ички ишлар вазири, генерал-полковник З. Алматов йигилганларга мурожаат қиласар экан, Президентимиз, мамлакатимиз ҳукумати ва халқимиз ички ишлар ходимларининг жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ишига қўшаётган ҳиссасини юксак баҳолашини таъкидлади.

Вазир шу йил баҳорида поитахтимизда ва бошқа шаҳарларда терроризм ва диний экстремизм кўринишларига қарши курашда мардлик ва фидойилик намуналарини намоён этган

ходимларни чуқур ҳурмат билан тилга олди. Йигилганлар ўз хизмат бурчни бажариши чогида ҳалок бўлган ходимларининг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёд этишиди.

Сўнгра тақдирланган ходимларга мукофотлар ва қимматбаҳо соввалар давомли қарсақлар остида топширилди. Маросимдан кейин тантанали байрам тадбири “Жар” спорт-соғломлаштириши мажмууда давом этди.

Суратларда: тадбирлардан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.



Ҳикмат излаганга ҳикматидир дунё

Ўриндан туриш учун йиқилиш керак бўлганидек, ютуқча эришиш учун ҳам хато кўчасидан ўтиш керак бўларкан.



«Моғиға» дағестанининг ғловаси
UCIBINDI
OLAM



HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILKLARI,
INTERNET XABARLARI.

ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР



ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК

**5 ноябрда оммавий
қирғин қуроллари
иммитацияси
қўлланилганда**
**ҳамкорликда қарши
чоралар кўриш бўйича
үтказилган етти кунлик
машқлар ўз ниҳоясига
етди. Унда Ўзбекистон
Республикаси Бош
прокуратураси, Мудофаа
вазирлиги, ИИВ,
Фавқулодда вазииятлар
вазирлиги, Давлат
божхона кўмитаси,
Соғлиқни саклаш
вазирлиги каби қатор
давлат идоралари ва
Ядро физикаси
институтининг вакиллари
қатнашиши.**

Ушбу машқлар АҚШ
Мудофаа вазирлигининг
тарқатмаслик тўгрисидаги
(ICP) дастури дои-

таменти томонидан ташкил этилди. Биргаликда ўтказилган мазкур машқлар Ўзбекистон ва АҚШ



расида Хавфни камайтириш агентлиги, Федерал терлов бюроси ва Ички хавфсизлик депар-

хукуматлари ўртасидаги кенг миёсли ҳамкорлик дастурининг таркибий қисмиидир. ICP дастури

Республика Ички ишлар вазирлигига бўлиб ўтган йилиш халқ ҳўжалиги обьектлари ва аҳоли турар жойларини кузги-қиши мавсумга тайёрлашда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 октябрдаги шу йил 10 ноябрдан 10 декабргача мамлакатимиз ҳудудида Ёнгин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўгрисидаги фармойиши таъбларини бажаришга бағишлианди. Унда Қорақалпогистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИБ, вило-

ятлар ИИБлари, Транспорт ИИБ бошлиқларининг хизмат бўйича ўринбосарлари ва соҳавий хизматларнинг масъул

ла оқсоқоллари, фаоллар, корхона ва обьектларнинг раҳбарларини жалб этиш тадбир самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди. Республика ИИВ ЁХБ бошлиғи, полковник А. Кўлдошев Ойликни ўтказиш даврида эътибор берилиши керак бўлган вазифаларга атрофлича тўхтади.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, тадбирлар режаси белгилаб олинди.

Феруза САЪДУЛЛАЕВА.

ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

ходимлари иштирок этишиди. Мажлисни республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник З. Бобокалонов олиб борди.

Йиғилишда ёнгин хавфсизлигини таъминлашга кенг жамоатчилик вакиллари, маҳал-

Шунингдек, тантанали маросимда Қоровул қўшинлари фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Е. Жуковский сўзга чиқиб, ўзининг дил сўзларини изҳор этди. Республика мизнинг турли вилоят ва шаҳарларидан ёш аскарларни ўшбу унутилмас кун билан муборакбод этиш учун ота-оналари ва яқинлари ҳам ташриф буюрдилар.

Улар номидан сўзга чиқсанлар ёш аскарларни табриклар экан, қасамёд қабул қилиш ма-



АРСЛОН ИЗИДАН ҚАЙТМАС

ИИВ Қоровул қўшинлари қарашли полковник А. Синицин сардорлик қилаётган ҳарбий жамоада ёш аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишиланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда Қоровул қўшинлари кўмондони, полковник Н. Сулейманов ёш аскарларни ҳарбий қасамёд қабул қилганларни билан табриклар экан, онтларига доимо содиқ қолишлари, она-Ватан ҳимоясидек муқаддас ва шарафли вазифани вижданон бажаришлари, қолаверса, йигитлик бурчларини мardonavor ва сидқидилдан адо этиб, ота-оналари бағрига соғ-саломат қайтишларига тилак билдири.

росимида иштирок этаётганликларидан жуда хурсанд эканликларини, айниқса, фарзандларининг ҳарбий либосда, кўлига курол олиб қасамёд қабул қилаётган дақиқаларда ўзлари ҳам қаттиқ ҳаяжонланганликларини айтиб, фарзандларига омад ёр бўлишини тилаб қолдилар.

Қоровул қўшинлари намунали оркестр қошида ташкил этилган ансамбл ижросидаги концерт дастури тадбирга янада файз бағишилади.

Бундай тадбирлар бошқа ҳарбий жамоаларда ҳам бўлиб ўтди.

Боҳрийдин ЛУТФУЛЛАЕВ,
сержант.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Евросиёning 26 мамлакатида, жумладан Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон ва Шарқий, Жануби-Шарқий Европа-нинг бир неча давлатларида амалга ошириялти. 1996 йилдан бўён мазкур дастур доирасида республикамизда қатор тадбирлар амалга оширилди, оммавий қирғин қуроллари, уларнинг таркибий қисмларини аниқлаш, қуроллар контрабандасига, қўлланилишига қарши чоралар кўриш бўйича 1 миллион АҚШ долларилек асбоб-ускуналар берилди. Машқ якунларига бағишиланган тадбирда қатнашган АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Д. Пурнелл ушбу ҳамкорлик ҳар икки томон учун фойдали эканлиги ҳамда бундан бўён ҳам давом этишини таъкидлади.

Ўз мухбиришим.

ПАХТА-2004

МУНОСИБ ҮЛУШ

Республикамизда пахта йиғим-терими мавсуми ўюшқоқлик билан давом этаяти. Бирин-кетин зафар маррасини кучган вилоятлар сони ортиб бормоқда. Жумладан, Сурхондарё вилояти пахтакорлари ҳам давлатга пахта сотиш шартномавий режани уddyалаб, юзлари ёруғ бўлди. Мавсумга пухта тайёргарлик кўрилгани, ташкилий тадбирлар аниқ режа асосида ишлаб чиқилгани боис, кўзланган маррага етиб келишди. Албатта, бу ишда вилоят ИИБ ходимлари ҳам муносиб ҳисса кўшишганини алоҳида таъкидлаш лозим. Зоро, улар деҳқон ва ҳашарчилар билан елкама-елка туриб хизмат вазифаларини муввафқиятли бажаришди. Чунончи, пахтакорларнинг йўл, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш, чегара худудларда ҳосилни ноқонуний йўллар билан четга олиб чиқиб кетилишига қарши мурасасиз бўлишди. Мавсум давомида тузилган тарғибот-ташвиқот гурухлари томонидан кўплаб тушунтириш ишлари ўтказилгани туфайли қонунбузилишларнинг олди олинди.

Вилоят деҳқонлари йиғим-терим ишларини ҳамон сусайтирганлари йўл. Улар далада қолган ҳосилни мисқолигача йиғишириб олиш учун бор имкониятларни ишга солишяпти.

Ўз мухбиришим.

ҚИЗГИН НИШОНЛАНДИ

Ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами Наманган вилояти ИИБда ҳам қизғин нишонланди. Вилоят ИИБ ташаббуси билан Наманган шаҳридаги "Туркистон" ресторанида касб байрамига бағишиланган катта тантана бўлиб ўтди. Унга кўшини Андикон ва Фарғона вилоятлари ички ишлар идоралари ходимлари ҳам таклиф этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-полковник З. Алматовнинг байрам муносабати билан йўллаган табриги ўқиб эшилтирилди. Тадбирга ташриф буюрган кўшини вилоятлар ИИБ бошлиғи ўринбосарлари сўзга чиқиб, ходимлар томонидан

амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган ютуқлар ҳақида тўлқинланиб гапиришди. Шунингдек, байрам муносабати билан "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли "Тошкент" чойхонасига ИИБ фахрийлари, хизмат пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари ҳамда хизматда ўрнак кўрсатаётганларнинг бир гурухи таклиф этилди.

Кечага вилоят ИИБ қошидаги "Мойчечак" болалар боғчаси тарбияланувчилари ва хонандалар томонидан ижро этилган куй-кўшиқлар байрамона кайфият улашди.

Фурқат МАМАЖОНОВ,
капитан.




Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Ички ишлар бошқармаси ходимлари эл-осойишталиги йўлида жонбозлик кўрсатат-тагларнинг олдинги сафида боришибоқда, десак муболага бўлмайди. Улар жиноятчилик ва бошқа турли хил ҳукуқбузарликларнинг олдини олишда кенг жамоатчилик билан ҳамкорлиқда иш юритмоқдалар.

"Наврӯз" маҳалласидаги 271-сонли милиция таянч пункти доимо жамоатчилик вакиллари билан гавжум. Режа асосида ишни ташкил этган профилактика инспектори, капитан Дониёр Эргашев, айниқса, бу йил яхши натижаларига эришди. Бу маҳаллада нафакат қонунбузарлик, балки оиласий можаро, кўйди-чиқди каби ноҳуш ҳолатлар ҳам кескин камайди.

Суратда: профилактика инспектори, капитан Д. Эргашев жамоатчилик вакиллари билан.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



ОЛДИНДА ИККИНЧИ ТУР


Украинада президентлик сайловларининг биринчи тури 31 октябрда бўлиб ўтган эди. Дастрекки ҳисоб-китобларга караганда, Виктор Янукович 39,88 фоиз, Виктор Юшенко эса 39,22 фоиз овоз тўплаган.

Биринчи турда голиб чиқиши учун номзодлар 50 фоиздан кўпроқ овоз тўплашлари керак эди. Иккинчи турда бўлиб ўтадиган сайлов бюллетенларига яна шу икки номзодларнинг исм-шарифлари киритилади. Унда кўп овоз олган номзод голиб деб топилади.



ЖОН КЕРРИ ЯНА КУРАШМОҚЧИ

— Бу йилги сайловларда Жон Керри Жорж Бушга ютқазиб қўйганига қарамай кейинги президентлик сайловларига тайёр гарликни бошлади, — дейа хабар қилади "Los Angeles Times" газетаси. Кейинги ҳафтада у Сенатдаги ишига қайтади.



Таҳтилчиларнинг фикрича, Жон Керри раис этиб сайланса, губернаторлик сайловларида демократик партия номзодларини кўллашда ўз имкониятларидан фойдаланади. Шу аснода президентликка номзод сифатида ўз имкониятларини ҳам чамалаб кўради.

Керрининг ғазнабони Роберт Кроунинг сўзларига қараганда, асосий инвесторлар кейинги сайлов мавсумида ҳам унинг номзодини кўллаб-куватлашга тайёр. Буни Керрининг асосий молиявий таъминотчиларидан бири Алан Саломонт ҳам тасдиқлади.

Демократлардан президентликка ўз номзодларини кўрсатишлари мумкин бўлган Хиллари Клинтон ва Жон Эдвардс ҳам мабодо Керри яна президентлик учун кураш олиб бора-диган бўлса, уни кўллаб-куватлашларини билдирилар.

ҚОРАЧОЙ – ЧЕРКЕССКДАГИ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР

Сешанба куни соат 11.00 ларда Қорачой-Черкесскнинг бир неча минг нафар аҳолиси Ҳукумат биноси олдида митинг уюштиришди. Бунга "Кавказцемент" акциядорлик жамиятининг ўлдирилган етти нафар аъзосининг жасадлари Али Кайтовнинг дала ҳовлиси-дан топилгани сабаб бўлди.



Митинг қатнашчиларига овоз кучайтиргичлар орқали гапиришга рухсат берилмагач ва бинода республика Президенти йўклиги маълум бўлгач, улар ҳукумат биносини забт этишга киришишди.

Натижада саккиз киши жароҳатланди. Улардан олти нафари милиция ходимларидир. Фазабланган одамлар маҳаллий ҳокимиёт вакиллари қотилликнинг фош этилишига тўсқинлик қилишаштанини айтишяпти ва республика Президенти зудлик билан истеъфога чиқишини талаб этишмоқда.

Ахборот агентларининг хабар қилишича, сешанба куни кечқурун Россия Президентининг Жанубий федерал округи бўйича мухтор вакили Дмитрий Козак улар билан боғланиб, республикадаги шундоқ ҳам танг вазиятни баттар мурakkabлаштирумасликка чақирган.

Илгарироқ ҳукумат биносини эгаллаб олганлар билан РФ Бош прокурорининг Жанубий федерал округ бўйича ўринбосари Николай Шепель учрашиб, республика раҳбарлари жиноятни фош этиб, жиноятчиларни жазолаш бора-сида барча чораларни кўришаётганини таъкидлади.

"Ha'aretz" газетасининг ҳабар қилишича, Истроил томони Фаластин мухторияти (ФМ) раҳбариятининг Ёсир Арофатни Farbий қирғоқдаги қароргоҳига дафн этиш, унинг шарафига мақбара бино қилиш тўғрисидаги қарорига қаршилик қилмайди.

Мазкур манбада ёзилишича, Фаластиннинг маҳсус хизматлари ФМ етакчисини Рамоллоҳда дафн этиш маросими чоғида хавфсизликни таъминлай олмайдилар. Бунинг устига, шаҳар Кудусга жуда яқин жойлашган, кўплаб назорат ўтказиш масканлари билан ўраб олинган. Шунинг учун илгарироқ Истроил томони Ёсир Арофатни Фазо секторига, бошқа оила аъзолари кўмилган қабристонга дафн этиш тўғрисидаги таклифни илгари сурган эди. Аммо кейинроқ сиёсий мақсадлардан келиб чиқиб ўз талабларини ўзгартирди.

Арофатнинг ўзи Кудусдаги Ал-Ақсо мачити ёнида дафн этилишини истарди. Аммо Истроил ҳукумати бунга рози бўлмади. Мухторият ҳукуматининг Арофатни Рамоллоҳда дафн этиш борасидаги қарори тўғрисида Тоиб Абдул Раҳим ва Соиб Эракат сешанба

МУНОЗАРАЛАР ДАВОМ ЭТЯПТИ

ПАЛЕСТИНСКАЯ
АВТОНОМИЯ,
РАМОЛЛА

куни ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилишди.

"Аллохнинг иродаси шундай бўлса, барча маросимлар шуерда ўтади, — деди Абдул Раҳим. — Биз Фаластин халқини бирдамлик, жисплик, ўзининг юксак маданиятини намойиш этишга чакирамиз".

Фаластин етакчиси учун мақбара қурилиши бошлаб юборилган. Истроил томони шунингдек, араб давлатларининг расмий вакиллари Ёсир Арофатнинг дафн маросимига келишлари учун ҳаво йўлаги очишилари маълум қилишди.

Аммо Фаластин Мухторияти Конунчилик кенгашининг собиқ раҳбари Рафиқ ал-Натше Аро-

фат охир-оқибат "Фаластин Давлатининг пойтати бўлган" Кудусдан абадий макон топиши лозимлигини таъкидлади. Сиёсатчининг айтишича, Арофатни Рамоллоҳга дафн этиш тўғрисидаги қарор муваққат бўлиб, вақти келиб мархумнинг истаги бажо келтирилади.

Сешанба куни кечқурун эса Фаластин Мухторияти ташқи ишлар вазири Набил Шаат Парижда ўтказилган матбуот анжуманида Ёсир Арофатнинг ўлими ҳақидаги ҳабарларни инкор этиб: "Арофат тирик, унинг мияси, юраги ва ўпкаси ишлаб турибди. Унинг ахволи оғирлигига қарамай, шифокорлар ҳаёт фаолиятини сунъий таъминлаш аппаратини ўчириш масаласини кўриб чишаётгани йўқ", — деди.

НОМАЪЛУМ СУВ ОСТИ КЕМАСИ

Чоршанба куни Япония Куролли Кучлари мамлакатнинг сувли кенгликларида номаълум сув ости кемаси суқилиб киргач, жанговар ҳолатга келтирилди, деб хабар қилади France - Presse агентлиги.

Хозирда кема Япониянинг сувли ҳудудини тарқ этган. Разведка самолёт кеманинг қайси мамлакатга тегишилиги, шунингдек, нима мақсадда эканини аниқлашга ҳаракат қилияти.

Япониянинг расмий вакиллари бу борада аниқ бир баёнот беришгани йўқ. Аммо юқоридаги агентликнинг эслатишича, 1998 йилда КХДР сув ости кемаси Япония томони ракета учиреб, сунъий йўлдош учирганини билдирганди. "BBC News"нинг кўшимча қилишича, 2001 йил декабрида Япония қирғоқлари яқинида қирғоқни ҳимоя қилиш кучлари билан отишмалардан сўнг Шимолий Кореянинг разведка кемаси чўкиб кетган эди.



Чеченистонда Шомил Басаевга бўйиси-нувчи жангарилардан яна тўрт нафари йўқ қилинди. Бу ҳақда Шимолий Кавказда аксилтеррор операцияларини бошқариш бўйича минақавий тезкор штаб вакили Илья Шабалин маълум қилди.

Махсус операция чоғида ўлдирилган жангарилардан бири Магомед-Эми Багиев бўлиб, Аслан Масхадов унга яқинда бригада генерали унвони берган эди.

Чеченистоннинг собиқ божхона хизмати вазири бўлган бу шахс 2001-2002 йилларда Басаевга қарашли гурӯларнинг моддий-техник таъминоти масалалари билан шугулланган, халқаро терорчи Абу ал-Валидинг яқин кишиларидан бири бўлган.

У республика аҳолиси, шунингдек, хукуки муҳофаза қилиш идоралари хо-

димларига қарши содир этилган террористлик ҳаракатларига алоқадор деб ҳисобланади.

Йўқ қилинган жангарилар орасида Будённовска хужум ўюштиришда иштирок этган Заинди Динаев ҳам бўлганлиги аниқланди. У Грознийдаги Федерал кучларга қарши курасда фаол иштирок этган.

Бундан ташқари Чеченистоннинг Шали туманида, аниқроғи Дубаюрт қишлоғи яқинида жангариларнинг базаси йўқ қилинди. Бу саккиз кишига мўлжалланган иккى ертўла ва кузатув учун жиҳозланган иккита жойдан иборат эди. Ертўлаларни кўздан кечириш жараёнида портловчи қурилмалар, ўқ-дорилар, дори-дармонлар ва диний-экстремистик мавзудаги адабиётлар топилди.

ГЕНЕРАЛИНИНГ ЎЛИМИ



йўқ қилинган жангариларнинг базаси йўқ қилинди. Бу саккиз кишига мўлжалланган иккى ертўла ва кузатув учун жиҳозланган иккита жойдан иборат эди. Ертўлаларни кўздан кечириш жараёнида портловчи қурилмалар, ўқ-дорилар, дори-дармонлар ва диний-экстремистик мавзудаги адабиётлар топилди.

Маълумки, жорий йилнинг март, апрель, июль ойларида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятлари худудида содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатлари тинчликсевар ҳалқимиз қалбини жунбушга келтириди. Қабиҳ ният билан уюштирилган бундай қўпорувчиликлар чогида ички ишлар идораларининг бир қатор ходимлари мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатиб ҳалок бўлиши. Аммо улар келажакда содир этилиши мумкин бўлган портлашларнинг олдини олдилар. Натижада тинч аҳоли ўртасида аянчли оқибатларга олиб келувчи мудҳиш ҳолатларга йўл қўйилмади.

Шу ўринда савол туғилади. Хўш, Ўзбекистонда ҳукм суроётган тинчлик ва осойишталиқ, жамиятимиздаги бунёдкорлик, барпо этилаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш кимга керагу, унинг ортида қандай кучлар турибди?

Ушбу саволларга Президентимиз Ислом Каримов Иккинчи чақирик Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган нутқида атрофлича жавоб қайтарар экан, портлашларни кўр-кўрона бажарган, онги паст, калтабин, мияси заҳарланган ижрочилар ҳамда уларни уюштириб, ўз ҳалқига қарши жиноят йўлига бошлигар ташкилотчиларни фарқлаш орқали бу каби мудҳиш воқеаларнинг олдини олиш мумкинлигини ўқтириб ўтган эдилар.

Дарҳақиқат, илмисиз, маънавиятсиз ва маърифатсиз кишилар қилаётган ишларининг мазмун моҳиятини тушунмаслиги, бирорларнинг даъватларига кўр-кўрона эргашишлари оқибатида террорчилик ҳаракатлари рўй бергани бугун ҳеч кимга сир эмас. Шу боис, Президентимиз ўз нутқида ўрта таълим муассасаларида ёшларга таълим-тарбия бераётган муаллимлар зимирадаги масъулият жуда катталигини ҳам алоҳида таъкидлана дилар. Зоро, қабиҳ ниятили қора кучлар тўрига ҳали дунёни у қадар теран англамаган гўр

ёшларимиз турли алдовлар йўли билан тушиб қолишмоқда. Албатта, ўз ғояларини тарғиб

Маърифат дарси

ри ходимлар онгига чукурроқ сингадиган, таъсирчан бўлиши учун нималарга эътибор бериш керак? Аввало, дарсларни ўтишга мавзу талабига жавоб бера оладиган мутахассисларни жалб этиш зарур. Машгулотлар пайтида асосий эътибор ички ишлар ходимлари онгига мамлакатимизда демократик тамойиллар, илф-фан, юксак технологиялар ютуқлари билан бирга муқаддас динимиз, ўзлигимизни асрраб-авайлаб яшашни мақсад қилиб қўйганимиз, ушбу мақсадни рўёбга чиқариш учун юртимизда мавжуд бўлган салоҳият ва бой-

миз осойишталиги, фарзандларимиз келажагига қарши қаратилган ҳар қандай тажовузларнинг олдини олиш, уларга ўз вактида зарба бериш, "ўз уйинг, ўз маҳаллангни ўзинг асрса" деган шиорни кенг маънода тушуниб, ҳамиша сезгир, хушёр ва огох бўлиб яшаш, миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир юртдошимиз учун бош вазифа экани аниқ равшан кўрсатиб берилган.

Албатта, зиммасидаги вазифаларни бекаму кўст адо этиши учун аввало ҳар қайси ички ишлар ходимининг сиёсий-ижтимо-

да сўзлаган нутқида барча давлат раҳбарлари диққатини хунрезликлар ижрочилари ўз орамиздан чиқаётганлигига қаратиб, уларнинг тарбияси, таълимига жавобгар эканлигимиз ва айнан шу масъулиятни ҳис этиб, бундай бузгунчи ғояларга ёшларимиз эргашиб кетмаслиги учун барча зарур чора тадбирларни кўришимиз кераклигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Мазкур фикрлар барча давлатлар раҳбарлари томонидан қўллаб-кувватланди. Бу борадаги ишлар ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда ташкил этила бошланди. Албатта, бу ўз навбатида нафақат бир давлат, балки катта бир ҳудуд хавфсизлиги учун ҳаракат бошланганидан ҳам даррак беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, экстремистик ғояларнинг тарқалишига қарши факат қонун ва давлат аппарати воситалари билан курашиб бўлмайди. Бу масала жамият маънавиятинг юксаклиги ва маърифий саводхонликка ҳам бевосита боғлиқ. Шунинг учун экстремизм ғоялари ёки жамият ривожига тўғаноқ бўлувчи бошқа иллатларга қарши курашда маънавий, мағкуравий, маърифий таъсир воситаларини сафарбар этиш мухим аҳамиятга эга.

Бунда асосий эътиборни экстремистик ташкилот ва ўшмалар ёки бошқа оқимлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш, жамиятга ёт ғояларнинг ахборот воситалари орқали тарқалишини фарқлай олиш, уларнинг бу ғояларни ташвиқот ва тарғибот қилишига қарши курашни кескин кучайтиришга қаратиш керак бўлади. Шундагина маърифат жамият манбаатларига хизмат қиласи. Унинг кучли ва мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
майор.

Акс-садо

ТИЛ - МИЛЛАТНИНГ РУҲИ

УНИНГ СОФЛИГИНИ САҶЛАЙЛИК

сўрашдик.

– Фалон фирманинг офисида менежер бўлиб ишлайман, – дейди оғзи қулоғида.

Ўзимни соддаликка олиб:

– Офисинг нима? – деб сўрадим.
– Идора-да, – кулди у.
– Ҳа, шундай демайсанми. Менежер нима иш қиласи?

– Иш бошқарувчи-да, – танишим “шуниям билмайсанми?” дегандай яна кулиб қўиди.

– Мен-ку биламан, лекин шу ажнабий сўзларнинг ўзбекчада муқобили бор эканлигини ўзинг ҳам билар экансан-ку, – дедим хунобим ошиб.

– Ҳа, энди улар эскирди-да, – танишим ҳамон отдан тушса ҳам, эгардан тушмасди...

Аввалимбор, бу сўзлар ҳеч ҳам эскиргани йўқ. Қолаверса, она тилимизга давлат тили мақоми берилгач, айниқса, мустақиллик шарофати билан қанчадан-қанча эски сўзларимиз қайтадан жонланди-ку. Замонавийлик, тараққиёт учраган янгиликни, хорижий сўзларни қабул қиласиришни дегани эмас. Уйини сот-

моқчи бўлганлардан бири “Маклерсиз иш битиши қийин”, деб қолди. Тўғриси, энсам қотди. Барака топкур, “даллол” де, ҳеч бўлмас “воситачи” де. Яқинда яна бир сўзни эшишиб ҳайрон бўлиб қолдим. Қайсири бир кўрсатувни олиб борувчи (бошловчи, сухандон) йигит ва қиз бирбириларни “дижей” деб таништиришиди.

Умуман, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувларнинг бошловчилари нутқ маданияти, одоби бобида бошқаларга намуна бўлишлари керак. Уларни эфирдан адабий тил қолиб, шевада гапирсалар, бўлар-бўлмасга кулаверсалар, белбоғ кураши, боксни қўл жангни десалар, экранда фарблар сухандонларга тақлидан кўлларини силтаб, беўхшов қиликлар қилиб гапирсалар, томошабинларга, тингловчиларга салбий таъсир қилмайдими?

Бу билан четдан ҳеч бир сўз олмаслигимиз керак демоқчи эмасман. Масалан, “компьютер” сўзининг ўрнига бошқа сўз ўйлаб топишга ҳожат йўқ. Аммо тилимиз имконият-

ларини ишга солиб “компьютерчи”, “компьютер устаси” сингари янги сўзларни ясадик-ку. Бундан ташқари, мавжуд сўзларга янги, кўшимча маъноюнга юклаш усули ҳам бор. Ёки бир пайтлар рус тилидан кириб келган патнис сўзини ҳозир ҳеч ким русча демас. Нега? Чунки “поднос” сўзига ўзбекча тўн кийдириб қабул қиласи. Зоро, четдан сўзларни ўзбек тили қонунятларига мослаштириб олишимиз керак. Шундагина янги кириб келган сўзлар тилимиз табиатини бузмайди, унга сингишади.

Хуллас, гапирамиз десак гап кўп. Буюк тилшунос-файласуф Гумбольдт “Тил-миллатнинг руҳи” деган эди. Бу фикрда чукур маъно бор. Демак, агарки тил шаклан сақлангани билан, ўзининг миллийлигини йўқотса, миллатнинг руҳи ҳақида нима дейиш мумкин? Тилимизни соғлигини, тозалигини сақлаган ҳолда унинг бойишига эришишнинг йўлларидан бири юқоридаги каби салбий ҳолатларга бефарқ бўлмаслик, бошқаларни ҳам шунга чақиришдир.

Бобомурод ТОШЕВ.

Саудия Арабистони Ар-Риёдда терроризмга қарши кураш бўйича халқаро анжуман ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Келаси йил 5 февралда очиладиган ушбу анжуман жаҳон миқёсида йирик сиёсий воқеа бўлиши шубҳасиз. Мазкур қарор расмий Саудия Арабистони подшолиги терроризмга қарши кескин, муросасиз кураш олиб бориш йўлинни танлаганидан далолат бериб турибди.

"ТЎРТ ҚАВАТЛИ" ОФАТ

Терроризмнинг ҳеч бир динга ёки миллатга алоқаси йўқ. Чунки бирор бир дин ёки миллат ноҳақ одам ўлдиришини оқламайди, тарғиб қилмайди. Террорга қарши курашишнинг қийин томони шундаки, террорчилик ташкилотлари бугунги кунга келиб ниҳоятда мураккаб тузилишга эга. Уларнинг таркибини шартли равишда тўрт қаватга бўлиш мумкин.

Биринчиси, террорчилик ҳаракатларининг бевосита ижрочиларидан иборат. Уларнинг ҳибсга олинган вакиллари кўп ҳолларда асл буюртмачилар ҳақида деярли ҳеч нима билмайдилар. Демакки, берган маълумотлари ҳам катта аҳамиятга эга эмас. Ижрочиларнинг аксарияти манқурт (зомби)га айланган ёки адашган кимсалардир. Ораларида ёлланган, пул эвазига "ишловчи" собик жиноятчилар ҳам анча-мунча. Аксилтеррор тадбирлари чоғида асосан айнан ижрочилар ҳалок бўлишади. Ташкилотчилар эса кўпинча панада қолишинади.

Иккинчи қават – жойлардаги бўғинлар. Бу тузилмалар ижрочиларни ёллаш ва қўпорувчиликларни ташкил этиш билан шуғуланишинади. Бир қарашда юқори қатлам ҳисобланган бу ташкилий тузилма аъзолари ҳам ҳал қилувчи, стратёгик қарорлар қабул қилишда иштирок этишмайди. Улар асосан "юқори"дан буйруқ ва кўрсатма олиб, уни ижро этишади, холос.

Учинчи қават-бин Лоден сингари етакчилардан иборат. Улар ўз режалири ва мақсадлари ҳақида оммавий ахборот воситалари, Интернет орқали хабар тарқатишади. Аммо бу хабарларнинг ҳаммасини ҳам тўғри деб бўлмайди. Баъзан етакчилар кўпчиликдан террорчилик ташкилотларининг асл режалирини пинҳон тутиш учун ёлғон маълумот ҳам беришлари мумкин.

Хўш, тўртинчи қават кимлардан иборат дерсиз? Бу ниҳоятда махфий тузилма. Унинг вакиллари албатта тоғ-тошларда, кўздан пана жойларда, чекка мамлакатларда бўлиши шарт эмас. Терроризмга қарши курашда бурилиш ясаш, катта муваффақиятларга эришиш айнан ана шу қаватни фош этишга боғлиқ.

МОЛИЯВИЙ АСОС

Эндиликда терроризм халқаро ҳодиса эканлиги кўпчиликка аён. Унинг таянчими молиявий асос ташкил этади. Ҳозирда уларнинг молиявий манбалари бир қатор хайрия жамғармалари ниқоби остида ҳам фаолият кўрсатишади. Дейлик азият чекаётган, вазият танг минтақа-

НИКОБ ВА АСЛ КИЁФА

ларда қийналаётган диндошларимизга ёрдам берайлик, деб пул тўплаб, улардан террорчилик мақсадларини амалга оширишда фойдаланишади. Бир қатор террорчилик ташкилотларининг айнан Яқин Шарқдаги нефтга бой мамлакатларга "кatta ётибор берётгани" ҳам бежиз эмас.

Баъзи араб давлатлари уларга ён босган даврлар ҳам бўлди. Айниқса, Афғонистонда террорчилар ўз фаолиятларини авж олдириши. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг террорчиликнинг бу мамлакатдаги базаларига қақшатқич зарбалар берилгач, террорчилик ташкилотлари таркибида жиддий ўзгаришлар юз берди.

Афғонистонда позицияларини бой беришгач, кўплаб террорчилар ўз мамлакатларига қайтиб, маҳаллий мухолифятга қўшилиб, ҳатто террорчилик тузилмаларида раҳбарлик лавозимларини эгаллай бошлишади. Ўта кескин кайфиятдагилари эса ҳокимият учун кураш бошладилар. Бу Саудия Арабистонига ҳам таалуқли. Террорчилар мазкур мамлакат пойтахтида ва бошқа шаҳарларда бир қатор йирик қўпорувчиликлар содир этиши. Бундан кўзланган мақсад Саудия Арабистонидаги вазиятни издан чиқариш, хорижлик фуқароларни ваҳимага солиш, айниқса, улардан иқтисоднинг муҳим соҳаларида фаолият кўрсатадиганларининг мамлакатдан чиқиб кетишига эришиш

лаш усулларини шартли равиша да иккى гурухга бўлиш мумкин. Биринчisi – очиқ каналлар, жумладан, банклар орқали пул ўтказиш. Иккинчisi – яширин йўл.

Очиқ йўллар орқали шубҳали ташкилотлар ҳисобига пул маблағлари ўтказишнинг олдини олиш бора-сида кўпгина ишлар қилинди. Масалан, 2003 йилда Саудия Арабистони ҳукумати банк муассасаларида

молиявий операцияларни амалга ошириш бўйича янги қоидаларни қабул қилишди. Бу қоидалар Саудия Арабистони подшолигидаги барча молиявий институтлар, жумладан, хайрия ташкилотлари ва жамғармалар фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатилишини назарда тутиди. Ушбу қоидаларни бузганлиги учун қирққа яқин ташкилот ва жисмоний шахсга қарашли ҳисоб рақамлари "музлатиб" қўйилди. Мамлакатнинг ваколатли идоралари террорчилар ва уларни қўлловчи ташкилотлар билан алоқадорликда шубҳа қилинган 750 нафар шахс ҳақида маълумотларни Интерполга беришиди.

Иккинчи йўналиш, яъни террорчилик ташкилотларини яширинча молиявий таъминлаш хусусида тўхталадиган бўлсак, бу масала анча мураккаб. Матбуотда нақд пулсиз муомаланинг турли-туман усуллари берилган, эълон қилинган. Жумладан, мусулмончиликда "ҳавола" деб юритиладиган, гўёки чин сўзга ишониб катта миқдордаги пулларни қарзга бериш ҳам мавжуд. Қолаверса, кўпгина давлатлар ўтасида чегарадан нақд молиявий маблағлар ўтишининг ҳеч бир қийинчилиги йўқ. Бундан жиной элементлар, хусусан, террорчилар ҳам усталик билан фойдаланишти.

Эди. Бунга жавобан, шунингдек, халқаро ҳамжамиятларнинг талабларига мувофиқ Саудия Арабистони ҳамда бошқа бир қатор араб мамлакатларининг расмий доиралари ўз давлатлари ҳудудида фаолият кўрсатётган террорчилик ташкилотлари қарши кескин курашиш йўлида жиддий қадамлар қўйдилар. Террорчилар молиявий таъмин-

МИСР ТАЖРИБАСИ

Ҳа, сўнгги йилларда аксилтеррор фаолияти йўналишида кўплаб самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, Саудия Арабистонида 500 дан зиёд фитначи ҳибсга олинди, мингдан ортиқ киши маҳсус текширудан ўтказилди, яъни мамлакатда содир этилган қўпорувчиликлар юзасидан сўроқ қилинди.

2003 йил августида Саудия Арабистони ва АҚШ террорчиликка қарши курашиш бўйича маҳсус кўшма ишчи гурухи тузишди. Терроризмга қарши курашнинг йўналишларидан бири Саудия Арабистони халқаро ташкилотларнинг тавсияларини бажараётганидир. Руҳонийлар орасида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз беряпти. Масалан, 2003 йил февралида Уламолар кенгаши подшолик худудидаги хорижий фуқароларга таҳдид килишни қораловчи фатво чиқарди. Ушбу хужжатда хорижилклар, жумладан, мамлакат худудида ишлаётган чет элликларни кофир дейиш ҳақиқий ислом табигатига тўғри келмайди ва жиностидир, деб очиқ айтилган.

2004 йил бошида эса Уламолар кенгаши янада кенг қамровли аксилтеррор фатво қабул қилди. Унда террор ислом руҳига ёт ҳодиса сифатида мамлакатдан бутунлай сиқиб чиқарилши кераклиги ўқтирилади.

Мусулмонлар кўп яшайдиган давлатлар ичидаги Миср биринчилардан бўлиб террорчилар хужумига дуч келди. 1970-1980 йилларда Миср Араб Республикаси ҳокимият вакиллари радикал кайфиятдаги кишиларнинг Афғонистонга бориб, шўро кўшинларига қарши курашини кўллаб-куватлашди. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида ўз мамлакатларига қайтгач эса улар "Мусулмон биродарлар" каби бир қатор мухолифат ташкилотлар билан сафларини кучайтиришди. Экстремистлар мамлакат Президентига, Баш вазирига, парламенти раисига, Ички ишлар вазирига қарши суқаслар уюштиришди. Хорижилклар ҳам уларнинг нишонига айланиши. Айниқса, 1992-1997 йилларда қурбонлар сони ошиб кетди. Шундан сўнг ҳукумат террорга қарши муросасиз уруш эълон қилди. Тезда бу ўз самарасини берди. 1997 йилдан ётиборан то Синайдаги портлашларгача ўтган давр ичидаги бирорта ҳам қўпорувчилик қайд этилмади. Хўш, мисрликлар бу курашда қандай усуллардан фойдаланиши?

Биринчидан, нуфузли диний уламолар, зиёлиларни жалб этиб, сиёсий ташвиқот тадбирлари ўтказишди. Натижада жамоатчилик орасида экстремизм ва терроризм ғояларига қаршилик кайфияти юзага келди.

Иккинчидан, хориждан маблағлар келиши тартибга солинди, террорчилик молиявий таъминловчи кўплаб йўллар ёпиб қўйилди. Барча молиявий фаолият турлари, жумладан, хайрия жамиятларини назорат килиш кучайтирилди.

Учинчидан, террорчиларга қарши қаратилган қонунлар кучайтирилди. Энг муҳими, мамлакатдаги тезкор вазият назорат остига олинди. Янги усуллар ва замонавий техника воситалари амалиётда қўлланилди.

Тўртинчидан, Миср ҳукумати ўзига қарши иш олиб борувчи хориждаги бир қатор мухолифат марказларининг ёпилишига эриши.



эди.

Бунга жавобан, шунингдек, халқаро ҳамжамиятларнинг талабларига мувофиқ Саудия Арабистони ҳамда бошқа бир қатор араб мамлакатларининг расмий доиралари ўз давлатлари ҳудудида фаолият кўрсатётган террорчилик ташкилотлари қарши кескин курашиш йўлида жиддий қадамлар қўйдилар. Террорчилар молиявий таъмин-

даланишти.

САХИФАДА – СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Яхши одам мевали дарахтга ўхшайди. Унинг меваси эзгу ишларининг давомчилари бўлган фарзандлари, дўст-биродарлари, шогирдлари. Кодиркул ака Бобоқулов ҳам шундай инсонлардан. Унинг солиҳ фарзандлари, сабит дўстлари, содик шогирдлари бор.

Кодиркул Бобоқулов кўйиллар Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи бўлиб ишлади. У хизмат даврида шахсий таркиб билан ишлаш, бошқарма соҳавий хизматлари ва шаҳар-туман ички ишлар идораларини малакали, ишчан, соғ вижданли кадрлар билан мустаҳкамлашга катта эътибор берди. Айниқса, ёшларни тарбиялаш, уларнинг жисмоний

УСТОЗ ИБРАТИ

ва жанговар тайёргарлиги, маънавий-ахлоқий камолоти ва касбий маҳоратини такомиллаштиришга доимо эътибор берди.

Кодиркул ака ҳамиша:

- Профилактика инспекторлари халқ билан алоқаларимизни мустаҳкамловчи асосий бўғиндир,

дердилар. Шу туфайли ҳам у киши раҳбар бўлган даврда ички ишлар бошқармаси тизимида жиноятчиликнинг олдини

бончилик, талабчанлик, сергаклик ва масъулият тушунчаларини ҳар бир ходимга эринмай ўргатдилар. Ҳамон биз, шогирдлар устоз, ўйтларини унуганимиз йўк.

Нафақадаги полковник Кодиркул ака Бобоқулов ҳамон Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби билан яқин алоқада. Улардан ўзларининг бой тажрибаси, ўйлайтиклигини аямайдилар. Тўй-тантаналар, байрамларга ҳамиша файзу бара киритадилар.

**А. АЛЛАЁРОВ,
майор.**

олиш ва эл-юрт осойишталигини таъминлаш борасида катта ютукларга эришилди. Устоз меҳнатлари муносиб тақдирланниб, кўксини “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист” унвони безади. Энг муҳими, у киши камтарлик, одамларга меҳри-

МАҲОРАТЛИ ХОДИМЛАР

Осойишталикини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш патруль-пост хизмати ходимларининг асосий вазифасидир. Бундай масъулият уларни туну кун сергак бўлиш, бурчларини садоқат билан бажаришга ундаиди.

... Кўпчилик уйкуга кетган. Кўчаларда одам сийрак. Муюлишдан чиқсан киши ўзини чинор панараги олди ва бирордан сўнг изига қайтиди. Йўловчининг бу ҳаракати шу ерда хизмат вазифасини ўтаётган патруль-пост хизмати ходими эътиборини тортиди.

Ички ишлар ходимидан ҳадисираган шахс муқаддам иккى марта судланган, жазони ижро этиш мусасасидан қочиб, қидирудва юрган маҳкум экан.

Яқинда патруль-пост хизмати бир гуруҳ ходимларининг сергаклиги туфайли Денов туманида катта миқдорда гиёҳвандлик моддаси етиштирган фуқаронинг кирдикорлари фош этилди. Бир қанча безорилик, ўғирлик, ташмачилик каби ҳолатлар ўз вақтида очилиб, тегишли хужжатлар расмийлаштирилди.

Сурхондарё вилояти ИИБ ППХ

Маҳалла оқсоқоли Бахтиёр Усмонов ички ишлар ходимларини кўриб хаёли ҳар томонга борди. Сабаби, у раҳбарлик қилаётган Оққўргон маҳалласида уч-тўрт йилдан бери бирорта нохуш воқеа рўй бергани йўк. Ўғирлик, безориликларга барҳам берилди. Ҳозирда мингдан ортиқ хонадон бўлган маҳалла да осойишталик хукм сурмоқда.

– Келинглар, тинчликми? – сўради у ходимлардан.

– Биз Жарқўргон тумани ички ишлар бўлимиданмиз. Қидирудаги Рустамни излаб юрибмиз. У бизга тутқич бермаяпти.

Маҳалла оқсоқолига кўп нарса ойдинлашгандай бўлди.

– У маҳалламида яшарди. Шу кўчада туғилган. Отаси шу ерда истиқомат қиласди. Онаси қазо қиласди. Рустам ёмон йўлга кириб кетди. Ўғирлик, безориликни касб қиласди.



батальони ходимлари фаолиятида бундай мисоллар кўп. Йилнинг ўтган даврида улар иштирокида 413та жиноят фош этилган. Шулардан 13 таси бевосита ходимлар томонидан очилди.

Батальон ходимларининг хизмат доираси кенг. Улар асосан Термиз, Денов шаҳрларида осойишталики ва жамоат тартибини таъминлайдилар. Шу билан бирга бугунги кунда 6 та блок-пост, бир қанча ЙПХ масканлари чегара худудларидағи йўналишларда хизмат вазифаларини хушёрлик билан бажаришмоқда.

– Батальонимиз ташкил этилган дастлабки кунларданоқ вазифамизни чуқур ҳис этдик, – дейди батальон командирининг ШТБИ бўйича ўринбосари, майор Б. Собиров.

– Шахсий таркибнинг жисмоний, жанговар тайёргарлигини ошириш, ёш ходимларни ўқитиш ва тарбия-

лаш, уларнинг касб маҳоратини чуқурроқ эгаллашларига катта эътибор беряпмиз. Патруль-пост хизматини такомиллаштириш, уни замон талаблари даражасига кўтариш эса асосий вазифамиздир.

Ўз бурчини англаган кам бўлмайди. Хизмат вазифасини бажаришда фаолик кўрсатаётган старшина Д. Шеркулов, катта лейтенант Н. Маллаев, сержантлар О. Аҳмедов, К. Худойбердиев, катта сержант F. Абдураҳмонов ва бошқалар ўз касбнинг устаси, эл-юрт осойишталиги йўлида фидойилик кўрсатган ходимлардир.

Суратда: вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ходими, лейтенант У. Ҳўжамулов, 1-отряд гурух бошлиғи, сержант Дилшод Жумаев ППХ батальон ҳайдовчиси сержант Баходир Мўминовлар хизматда.

Эркин ТЎЛАЕВ олган сурат.

ганди, – деди оқсоқол.

Тахминлари тўғри чиқкан ходимлар маҳалла оқсоқолидан Рустамни тошида ёрдам беришни сўрадилар.

– Албатта кўмаклашамиз, – деди оқсоқол.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган. Телевизор кўрсатувлари тугаганига анча бўлди. Маҳалла фаоллари қишлоқ кўчаларини айланаб юришарди. Бир маҳал

Тентаксой дарёси кўприги ёнида қандайдир машини

ЭЗГУЛИК ЎЛИДА

Шеробод тумани ИИБ ҲОБ бошлиғи, майор Менгнор Намозов тажрибали ходим. Унинг ички ишлар идораларида хизматга кирганига чорак асрдан ошди. У қатор лавозимларда хизмат қилиб, вазифаси, бурчига содиклигини кўрсатди. Эл осойишталигини таъминлаш, хуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Дарвоҷе, туманда хуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. “Тозалаш”, “Орият”, “Спитамен” каби тадбирларнинг ҳар биридан кўзланган мақсад хукуқтартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олишdir. Маҳалла ва гузарлар, таълим-тарбия масканларида ўтказилаётган учрашувлар, олиб борилаётган тарбиявий ишлар соғлом турмуш тарзи қарор топишида муҳим аҳамият касб этаяпти. “Навбоғ”, “Оққўргон”, “Меҳнатобод”, “Сариқамиш” каби маҳаллаларда ўтказилган тадбирларда амалга оширилган ишлар, навбатдаги вазифалар таҳлил қилинди.

– Шунга қарамай, туманда хукуқбузарлик, жиноят қилишга мойил кишилар йўқ эмас, – дейди ИИБ бошлиғи, подполковник О. Ҳайтмуродов. – Бундай шахсларнинг ҳар бири билан алоҳида профилактик сухбатлар ўтказамиз. Акс ҳолда нохушликлар келиб чиқиши ҳеч гап эмас.

Ҳозирда профилактика инспекторлари ҳисобида олти юз нафарга яқин фуқаро туради. Улар орасида муқаддам судланган, мунтазам оила-турмуш доирасида хукуқбузарликлар содир этувчи, спиртли ичимликка ружу кўйганлар бор. Хукуқбузар қаерда ишламасин, яшамасин, у маҳалла аъзоси. Шу боис ҳам оила тинчлиги, маҳалла осойишталигини сақлаш муҳим вазифа бўлиб келаяпти. Бу борада ярашириш комиссиялари фаолияти ибратли бўлмоқда. Йилнинг ўтган даврида бир неча юз оила билан профилактик тадбирлар ўтказилди. Кўплаб оиласаларда муносабатлар тикланди.

Ўтказилаётган кенг кўламли тадбирларда профилактика инспекторлари, майор С. Мустафоқулов, капитан Қ. Маматқулов, лейтенант К. Курбонов каби ўнлаб маҳалла посбонлари ва фаолларнинг хизматлари катта бўлайти.

С. ОМОНТУРДИЕВ.

– Ҳали бир дунё гапга қолмасак эди, – хавотирланди йигитлардан бири.

– Аниқ шу! Ишончим комил. Майшатга аёл олиб келганга ўхшайди.

Нотаниш кимсалар уй олдидағи ёғоч дарвозани охиста очиб, ичкарига кириб кетишиди. Посбон йигитлар бирин-кетин ҳовлига йўналдилар. Қочоқ ҳавфни сезиб, қочишига уринди. Аммо аёл унинг оёқларига маҳкам ёпишиб олди.

– Мени ташлаб-а?

Шундай қилиб, қидирудва юрган И. Рустам кўлга олинди. Ички ишлар ходимларининг жамоатчилик билан бўлган ҳамкорлиги яна бир карра ўз тасдигини топди.

**Собир НОРМУРОДОВ,
майор.**

ҚОЧОҚ УЗОҚҚА КЕТОЛМАДИ

Маҳалла оқсоқоли тезлик билан маҳалла посбонлари сардори, унинг ёрдамчилари ҳамда кўчабошиларни идорага чақириб, ахволни тушунтириди. Шу куннинг ўзидаётқочоқ келиши гумонланган уйларга одам юборилди.

на тўхтагандек бўлди. Орка эшикдан икки киши тушиб, кўприқдан ўтди-да, паҳтазор оралаб бораётган икки шарпа қишлоққа кираверишдаги хароба уй ёнида тўхташди. Улардан бири бирор нарсани сезгандай атрофга қулоқ тутди. Сўнг ёнидаги шеригига нимадир деди. Шунда аёл кишининг овози қулоққа чалинди.

**Сахифа материалларини Шахзода ХУДОЙБЕРДИЕВА ва
Сафарали ОМОНТУРДИЕВлар тайёрлаши.**

«Мостга» gazetasining ilovasi



HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

OLAM

Азалдан ўзбекларда ерга тирик мавжудотга қарагандек қарашиб мавжуд бўлган. Узок сафарга чиқканлар ўзлари билан бир сиким юрт тупроғидан олишган. Сабаби, мабодо узок ўлкаларда, мусофиричиликда ўлиб кетсан, мозоримга шу тупроқни солишиша, тинч ётаман деб ўйлашган. Ёки ерни бокмасанг, у ҳам сени боқмайди, ерга меҳри бўлмаган кишининг дехқончилик қилиш қўлидан қелмайди, дейишади миришкор дехқонлар.

Аммо она сайёрамизни том маънода жонли мавжудотга ҳойнаҳой машхур фантаст-ёзувчи Артур Конан Дойл ўхшатган бўлса керак. У ўзининг "Замин ҳайқиргандага" номли пурмаъно илмий-фантастик романида асар қаҳрамони профессор Челленжер тилидан: "Ерни қоплаб турган ўт-ўланлар, дараҳтлар бамисли унинг юнги, вулқонлар нафас олиши", – дейди. Роман сўнгига профессор ўзининг борлигини билдириш учун Ернинг қаърига чукур шахта қазиб, парма туширади. Замин бунга зилзилаю вулқон отилиши билан жавоб қайтаради...

Мана, роман нашрдан чиқиб, қўлма-кўл бўлганига ҳам деярли юз йил бўлди. Энди машхур ёзувчининг фикрини таникли олим тақорлайти. Еости бойликларини ўрганиш бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борган Игорь Яницкий сайёрамизни нафақат тирик, балки онгли мавжудот деб билади. Унинг фикрича, Ербиз учун асосий иссиқлик, ёргулик манбаи бўлган кўёш, ҳатто Галактика маркази билан ҳам ахборот алмасиб туради.


Олимнинг айтишича, атом куроли синовлари, чукур пармалаш ишлари, еростига радиоактив ва заҳарли моддаларнинг кўмилиши жонли сайёранинг безовталанишига, хавотирга тушишига сабаб бўялти. Сўнгти пайтларда кетма-кет юз берадётган зилзилалар, тўфонлар, сув тошқинлари бунинг исботидир.

"Ер биздан ҳам онглирок жонли организм эканлигини тушуниб етиш вақти келди, – деб ёзади И. Яницкий ўзининг "Физика ва дин" китобида. – У узок пайт қилмишларимизга чидағ келди. Кўз олдимизда унинг сабри тугаяпти, тоқати тоқ бўялти. Ёки ўзимизнинг технократик бебошликларимиздан воз кечамиз, ёки биздан кейин пайдо бўладиган цивилизация вакиллари ўзимизга ўхшаб, биздан илгари ҳам Ерда онгли мавжудот бўлганмикан, деб бош қотириб юришади".

Қолаверса, россиялик яна бир қанча олимларнинг фикрича, Ерга шунчаки Кўёш атрофида айланадиган ўлик сайёра сифатида эмас, балки одамларнинг табиатга зарар етказувчи фаолиятига тегишлича жавоб қайтаришга қодир жонли организм сифатида қарашиб фурсати аллақачон келди.

Иқтисод фанлари доктори, профессор Георгий Кузнецовнинг фикри янайм

Сенинг юрагингда лахта-лахта қон,
Сийнанг нималардан бўлмаган пора.
Қайғу-ҳасратларинг барчаси аён,
О, бунча дардкашсан, она сайёра.
Абдулла ОРИПОВ.



О, ОНА САЙЁРА, ОНА САЙЁРА!

ўзига хос. Олим умуман жонли организм тушунчасини қайта кўриб чиқиши тарафдори. Ҳозирги қаравшларга мувофиқ ўз хусусиятларига кўра ҳайвонлар ва одамларга ўхшаб кетадиган мавжудотларги на жонли, онгли мавжудотлар деб хисобланади. Ўзларининг ўлчамлари, кувват истеъмол қилиши, яшаш муддати, модда алмашинув жараёнлари тезлигига кўра катта фарқ қилувчи табиат объектлари эса жонли ва онгли мавжудотлар сирасига киритилмайди. Одамзот биринкетин сайёрамизнинг табиий қисмларини йўқотиб, уларнинг ўрнига сунъийларини, ҳатто файритабииш ва Ер учун зарарларини яратаятти.

Ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида Г. Кузнецов раҳбарлигига бир гурӯҳ мутахассислар Ер яхлит онгли мавжудот эканлиги ҳақидаги фаразни тасдиқловчи нодир тажриба ўтказиши. Операторлар биолокаторлар тарқатган биотўлўнлар ёрдамида унга мурожаат қилишди. Кўп йиллар давом этган бу тажриба тадқиқчиларга Ернинг тирик организм сифатида тузилишини ўрганишда кўл келди. Улар яратган назарияга кўра сайёрамизнинг жонли ҳужайралари ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсидир. Улар биринчидан Ердаги модда алмашинуви жараёнида иштирок этишади. Иккинчидан, Ер улар ёрдамида коинотдан келадиган кувват ва ахборотларни қабул қиласи. Ўсимликлар ва ҳайвонлар Ернинг

гўёки сезги аъзолари: кўзи, кулоғи, бурни, таъм билиш аъзолари кабидир.

Г. Кузнецовнинг фикрича, она заманинимиз нафақат бизнинг мавжуд эканлигимизни билади, балки ҳатти-ҳаракатларимизни юқоридаги сезги аъзолари орқали кузатиб туради, жамиятни бошқаради ҳам. Бундай бошқарув асосида геопсихология қонуниятлари, яни инсон онгига сезидирмасдан таъсир ўтказиш ётади. Масалан, муайян шароитларда, дейлик, одам маъёридан ортиқ кўпайиб кетганида, инсон фаолияти атмосфера, гидросферани ўта ифлослантирганда, сайёрамизнинг ўсимликлар дунёси қирилиб кетишига олиб келиши хавфи туғилганда Ер бундай мавжудотлардан, яни одамлардан кутилиш ҳаракатига тушади.

Бундан келиб чиқадики, Атлантидинг ҳалокати, қадимда дунёни сув босгани (Нуҳ тўғони) ҳақиқатан ҳам рўй берган. Ёки баъзан ҳалқлар, давлатлар ўртасида қонли, қирғинбарот урушларнинг келиб чиқиши ҳам ана шу таъсир оқибати бўлиши мумкин. Ё вақти-вақти билан бошқа жонли организмларга зиён етказмасдан, фақат инсонга хавф солувчи вирусларнинг пайдо бўлиб туришини қандай изоҳласа бўлади?

Россиялик бошқа бир олим – файритабииш ходисалар тадқиқотчиси Д. Азаров ҳам Ернинг онглилиги ҳақидаги фикрга кўшилади. У сайёрамиз нафақат биз устида яшшимизни билади, балки одам-

зот билан мулоқотга киришишга ҳаракат қиласи, деб хисоблайди. Япония, Канада, Россия, Аргентина каби кўплаб мамлакатлардаги экинзорларда фойибдан пайдо бўлиб қоладиган сирли шакллар: доиралар, спираллар, чизиклар, ҳалқалар, бундан ҳам мураккаб шакллар бунинг исботи эмиш. Айниқса, Англияда бундай ходисаларга тез-тез дуч келинади. Мамлакатнинг машхур Гемпшир графлигидаги буғдоизордаги шакллар самолётдан ўқилганда "Биз ёлғиз эмасмиз" деган жумла ҳосил бўлган. Д. Азаровнинг фикрича, экинзорлардаги турли-туман шакллар ҳам, юқоридаги ёзув ҳам Ернинг иши эмиш.

Георгий Кузнецовнинг тадқиқотлари натижаларини Россия биотўлўнлар муҳандислиги уюшмаси президенти Владимир Хлопков ҳам тасдиқлайди. Биотўлўнларни йўналтируви операторлар Ернинг одамга таъсир қилиш механизми мавжудлигини аниқлашди. В. Хлопковнинг айтишича, сайёрамиз фаол зоналар орқали ўз биосферасига таъсирини ўтказади. Кўп йиллар давомида операторлар ана шундай зоналarda кечадиган жараёнларни кузатиши. Маълум булишича, биологик фаол зоналар нафақат одамларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатига, шу билан бир қаторда магнит ва гравиметрик майдонларга ҳам таъсир қиласи экан.

Сўнгги юз йил мобайнида Ер ўзининг онгли, жонли, тирик мавжудот эканини инжик, эрка, қаноатсиз фарзандлари бўлган биз одамларга тез-тез эслатиб туриби. Инсоният ҳам ўз навбатида "Биз нима учун яралдик? Яратган эгамизнинг бизни яратишдан муроди нима эди?" деб савол берадиган пайт аллақачон келди. Нафақат курраи замин, балки бутун коинотда, оламда онгли мавжудот турлари у қадар кўп эмас. Аллоҳ бизни тафаккур нури билан сарофоз этиб, мукаррам зот қилиб яратган экан, шу номга, шарафга лойиқ бўлишимиз, Ер юзини жаннат мисол обод қилиш ҳаракатида бўлишимиз лозим. Одамзот бўлса она табиат билан ўйғун ривожланиш ўрнига, кўпинча унга қарши турмокчи, атроф-муҳитни вайрон қилмоқчи бўлади. Бундай ҳатти-ҳаракатимиз қандай якун топишини эса Нуҳ тўғони воқеаси бизга эслатиб туради. Ўшанда Ер бебош бандалардан сув тошқини ёрдамида халос бўлганди.

Файласуф А. Аверьянов бу борада шундай деган эди: "Олимлар ва амалиётчилар оқибатини ўйламай Ерга озор беришда давом этишади. Саноқли кишиларгина Ер фақат кимёвий моддалардан иборат шаргина эмас, ўз ҳаётини яшайдиган жисм бўлиб, унда ҳамма нарса ўлчоғлиқ, бир-бираига боғлиқ эканини тушунишади". Ҳа, афсуски, шундай.





BOLALAR SAHIFASI



Misr – Afrikaning eng issiq, jazirama o'lkalaridan biri. Sahroda sirlı piramidalar va qadimiy Sfinks bor, eng uzun daryo hisoblanmish Nil daryosi (daryoda timsohlar juda ko'p) oqadi.

Kunlardan bir kuni Tipratikan, Quyonvoy, Olmaxon va Yumronqoziq Misr bo'ylab safarga otlanishibdi. Uzoq yo'l mashaqqatlaridan so'ng, do'stlar Misrga yetib kelishdi. Atrofda na bir daraxt, na bir giyoh o'sgan, qip-qizil dasht. Qum barxanlari ustida tuyalar lo'killab o'tib borayapti. Osmon esa musaffo, quyosh borliqni qizdirardi. Kichik sayohatchilar qadimgi misrliklar bundan bir necha ming yillar avval o'z hukmdorlariga atab qurban dunyoning yetti mo'jizalaridan biri – ehromlarni ko'rishdi.

билан сўзлаган Бахтиёр ака ҳар қанча фахрланса, кувонса арзиди. Ёш қаратэчи Германия, АҚШда ўтказилган мусобақаларда қатнашиб фахрли ўринларни эгаллади. Айниқса, Венгрияда бўлиб ўтган беллашувлар Ҳамза учун омадли кечди. Энг сўнгги дақиқаларда рақибига чап оёқда берилган зарба муваффақиятни таъминлади. Юртимизга ўз тоифасида жаҳон чемпиони деган юксак шараф билан қайтиди. Ҳашандада у бор-йўғи ўн ўнда эди. Ёш, иктидорли спортчимизнинг келажаги олдинда. Унинг жаҳон спортида янада улкан ютуқларга эришиши, ўзи ният қилгандай ички ишлар ходими бўлиб етишишга ишонамиз.

Нигора РАҲИМОВА.

БЕПАРВОЛИКНИНГ ОҚИБАТИ ОФИР

Ёшлар – келажагимиз.

Уларнинг ҳар томонлама етук

бўлиб камол топиши

истикболимиз кафолатидир.

Хукуматимиз томонидан ўқувчи-

ёшларга алоҳида ғамхўрлик

курсатилиб, улар комил инсон

бўлиб вояга етишлари учун

эътиборли ишлар амалга

оширилмоқда. Айниқса, сўнгги

пайтларда замонавий

жихозланган коллежлар,

лицейларнинг ёшлар ихтиёрига

берилаётгани хайрли ишларнинг

намунасиdir.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2000 йил 21 сен-

тябрдаги Қарори ишимизда асосий

дастурламал бўлиб хизмат қилмоқда,

— дейди Қашқадарё вилояти ИИБ

ҲООБ ВЕОҲООГ катта инспектори, ма-

йор Шуҳрат Орипов. — Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари давлат ва

жамоат ташкилотлари, ўқув муассасалари вакиллари билан ҳамкорликда

фаолият юритишмоқда. Вояга етмаган-

лар ишлари бўйича комиссия томонидан

2000-2005 йилларга мўлжалланган

тадбирлар дастури тузиленган. Воя-

га етмаганлар ва ёшлар ўртасида

хукуқбузарликларнинг олдини олиш,

ўқитиш, тарбияси оғир ўсмирилар

билин тарбиявий ишлар олиб бориш,

ўқишидан ташқари бўш вақтларини маз-

мунили ўтказиш диккәт марказимизда.

Бу борада вилоят касб-хўнар таълими,

халқ таълими, соғлики сақлаш, меҳ-

нат, бандлик ва аҳолини ижтимоий

муҳофаза қилиш бошқармалари, ви-

лоят хотин-қизлар кўмитаси, “Камолот”

ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа

хукуқни муҳофаза қилиш идоралари амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

Амалга оширилаётган ишларга қарамай баъзан салбий ҳолатлар ҳам учрамоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида вояга етмаганлар томонидан 72 бор ҳар хил турдаги жиноятлар қайд этилди. Жиноятларни таҳлил қиладиган бўлсак, ўғирлик, безорилик ҳолатлари камайганини кузатиш мумкин.

Ҳозирда 400 нафардан ортиқ вояга етмаганлар турли кўринишдаги хукуқбузарликлар содир этганлиги учун ички ишлар бўллимларида ҳисобга олинган. Улар билан жойларда профилактик ишлар олиб бориляпти.

Мактаб ўқувчилари томонидан содир этилаётган жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпайгани ачинарлидир. Масалан, Шаҳрисабзидаги 11-мактаб ўқувчилари Ш. Ўринов, Ж. Ўринов ва уларнинг кишлоқдоши, ҳеч қаерда ишламайдиган, ўқимайдиган Х. Раҳмонов ўзаро тил биринчириб, Пахтакор қишлоғилик К. Ҳасановнинг ҳовлисидағи “Агидел” сув насоси, “Вега” русумли радиоприёмникини, ўғирлаб кетишган. Қарши шаҳар, К. Отаниёзов кўчасида истиқомат қилувчи, на ўқиш жойи, на ишининг тайини бўлган Г. Шодмонов эса фуқаро И. Шоматовга оғир тан жароҳати етказган. Оқибатда И. Шоматов шифохонада оламдан ўтган.

Бундай мисолларни яна келтиришимиз мумкин. Ўсмири балогат остонасида тўғри йўлдан ҷалғиши ҳеч гап эмас. Шу боис, бирорта бола назоратдан четда қолмаслиги лозим. Акс ҳолда, бепарволик оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Соҳибжамол АМИНОВА.

“Салом жондан азиз, меҳрибон ўғлим ЮМИДБЕК!
Мен ушбу мактубни йўллар эканман, юрак юракдан эзилиб кетаяпман. Сен ҳали ёшсан, менинг тошдан ҳам қаттиқ бошимга тушган мусибатларнинг магзини чақа олмайсан. Балки ушбу бир парча оқ қоғоздаги дардларимни ўқиб, онанг-онажонинг кўзларига ёш олаётган пайтда ҳайрон бўлиб, кўзларига тикиларсан. Унга ҳам қийин бўлди. Сизларнинг бошингизга кулфатларни ёғдирган, ўз айширати деб оёқлари ердан узилиб, кеккайиб кетган мен-стангизни кечира олармиқансизлар?

**“КЕЧИР МЕНИ,
ЎҒЛИМ!”**

Вақт ўтган сайин ҳар қандай дарду аламларнинг азоби қайтади деган гапларни кўп эшигтганман. Аммо менинг қалбимдаги дардларим вақт ўтган сайин олов бўлиб вужудимни кўйдирмоқда. Юрақдаги жароҳат тобора газак олиб, суюк-суюякларимга ботиб бормоқда.

Үйдан кетганимга ҳам мана, уч ой бўлиби. Уч ой тўқсон кун, бир юз саксон кеча-ю кун-дуз дегани. Ҳар бир дақиқа имиллаб ўтади, бутун вужудимни ўтмас пичоқлар билан бурда-бурда қилаётгандек.

Мен ким эдиму, вақт ўтган сайин кимга айланиб бормокдаман?

Тўрт девор силлиқ бўлса ҳам кошки эди. Фадир-будир, темир эшик. Кун билан туннинг фарқини кичкинагина деразадан тушиб турган ёргуликдан билса бўлди. Ёнимда иккита ҳамроҳим бор. Ўзаро сўзлашадиган гапларимиз ҳам қолмagan. Энг ёмони, шу ерда ётамиз; шу ерда турамиз, шу ерда тамадди қиласиз. Ҳатто ҳожа-

ВАТАНИМ МАДХИ

Сенинг номинг билан яшинар ҳаётим,
Сен бугуним, эртам, нурли баётим.
Жоним фидо бўлсин, она Ватаним,
Менинг гўзал ўртим — Ўзбекистоним.

Мустақиллик номи ярашур сенга,
Сенга фарзанд бўлиш баҳт эрур менга.
Келажагинг биздек ўшлар қўлида,
Одимлагин тинмай ҳурлик ўйлида.

Йўлингдан чиққанда машъум қабоҳат,
Аждодлар руҳлари бўлгайдур мадад.
Сени ранжитганлар қолгайлар ортда,
Халқим, истиқололинг бўлгайдур агад.

Дилором ШЕРБОЕВА,
Тошкент Даъват
Шарқшунослик институти
қошидаги академик
лицейнинг 3-курс талабаси.

зим қилиб кутиб олади.
Бора-бора “тириш”лар ҳам ўзгача тус олди. Ихчам қилиб ўралган наша, қора дори... ана майшату мана майшат. Олдинлари уйга борсан, онанг кўзларимга “анаконда” бўлиб кўринарди. Бора-бора сизлар ҳам ети ёт берона бўлиб қолдингизлар.

Кариндошлар ва қўни-кўшиларнинг панд-насиҳатлари сариқ чақа бўлиб қолаверди. Менинг ахволимни билган онажоним адои тамом бўлибди. Қанчадан-қанча заҳматлар чекиб, эндиғина қўллари ошга

етди деганда бу ёруғ дунёдан кўз юмибидилар. Бунга мен сабабчиман.

Бир неча бор ҳаммасидан бир йўла кутилиш чораларини кўрдим. Афсуски жон ширин экан. Шўр пешонамга нима ёзилган бўлса, ҳаммасига бардош беришим зарур. Ҳеч бўлмаса, сизларнинг баҳтингизга омон бўлишим керак.

Ўғлим, болагинам! Бечора онанг ҳам, сен ва кўзлари оҳу синглинг ҳам мени минг бора-кечиринглар. Муддатни соғомон ўтаб уйга борсан сизларни кафтимда кўтариб юраман. Бу чин сўзим. Сизларни жондилдан соғиниб қолувчи отанг”.

Ота ҳасратини
окка кўчирувчи
Иброҳим ЮСУПОВ,
Истеъфодаги майор.
Хоразм вилояти.

ХИЗМАТ ФИДОЙИЛАРИ

Ҳалол, диёнатли инсонларга нечөгли ҳавас қылсақ, мол-дунё, шахсий манфаати учун ҳар қандай йўлдан қайтмайдиганларга шунчалик газаб билан қараймиз.

Ота-онаси у туғилганда яхши ният билан Озод деб исм қўйишганди. Афсуски, Озод уларнинг умидини чилпарчин қилди. Мактабни битириб, бирор жойда муқим ишламади. На ўйга, на жамоатга нафи тегди. "Шўхликлари" билан жигарларини тирик кўйиди. Ундан жабр кўрмаган бирон бир қўшни қолмади.

Биринчи бор ўғирлик қилгани учун Озод уч йилга қамалиб, юртбошимизнинг Фармони асосида жазони ижро этиш муассасидан муддатидан олдин озод этилди. Афсуски, бу бағрикенгликтининг қадрига етмади. Яна уч бор қамалди. Ёши 40 дан ошган киши қилғиликлирдан хулоса чиқарип олар деб ўйлашганди, ҳамюрлари. Кўн ўтмай у ҳали ҳам тавба-тазарру қилмаганилиги аён бўлиб қолди.

Старшина Гулимбой Дўсимовнинг тажрибаси катта. У 10 йилдан зиёд ички ишлар идораларида хизмат қиласди. Бир неча бор оғир жиноятларни очган. У Урганчда кўпга таниш собиқ киссавур Озод Маткаримов қамоқдан қайтса,

яна эски "касби"ни қўмсани биларди. Шу боис Озод қайтгач, унинг ҳар бир қадамини назорат қилди. Сал эътиборсизлик қилса...

Милиция ходими янгишмаганди. Озод атрофига ўзи-

бўлганида у "Гўзал" дўкони томонга қараб қочди. Гулимбой рация орқали шерикларини бу ҳақда огоҳлантириб, ўзи уни кувлаб кетди. Узоққа қочолмаслигини билган Озод унга пичоқ билан ташланди.

мер ҳўжалиги ишчиси Арслон Бекжонов уйига ул-бул ҳаражат қилиб, ортган пулни шошганидан шимининг олд чўнтағига солганди. Пули ўғирланганини анча кеч билди. Тўғриси, пулдан умидини узиз, уйидагиларга нима дейишини билмай хуноб бўлиб, бир аҳволда кетаётганди. Автобус тўхтатилиб, йўловчилардан ким пулни олдириди деб сўралганида, у чўнтағидаги пулларнинг купюрасигача айтиб берди.

- Кече хотиним билан беш кунлик пахта пулни олди. Кассир ҳаммасини 500 талик қилиб берганди, - деди Арслон ҳаяжонини яширолмай. Йўловчиларнинг айримлари унга пулнинг топилганига шукр қил дейишиша, баъзилари одам дегани ҳам шунчалик лақма бўладими, чўнтақдаги пулни олдириб ўтирибсан деб танбех бериши. Арслоннинг 25500 сўм ҳалол пули топилди. Чўнтақкесарнинг қилмиши далилий ашёлар билан фош этилди.

Старшина Гулимбой Дўсимов, сержантлар Ойбек Худойберганов, Расул Тоғоновлар томонидан фош этилган ушбу ҳолат йигитларнинг бурчга содиқлигидан далолатдир.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
майор.

га ўшаганларни йигиб, яна "иш" бошлиди. Киссавурларнинг Урганч дехқон бозори атрофида "иш қилишаётгани" ҳақида аниқ маълумот олгач, гурухни фош қилиш режасини тузди. Бунда унга ҳамкаслари Ойбек Худойберганов ва Расул Тоғонов зудлик билан етиб келгач, қонунбузарларни кўлга олиши.

- Энди пулнинг эгасини топишимиз керак, акс ҳолда булар тұхмат қилишдан ҳам тоймади, - деди Гулимбой. Расул дуч келган таксини тўхтатди. Киссавурларнинг қўлларига кишан урилиб, Урганч - Янгиарик йўналиши бўйлаб қатновчи автобуснинг ортидан тушилди. Автобус бу пайтда Урганч туманидаги Фойну қишлоғига етиб келганди.

Жабрланувчи - Янгиарик туманидаги "Шоназар" фер-

«ИСТЕДОД» ТАНЛОВИГА

«ЭНГ ЯХШИ ШЕҮР»



Мен ҳам дадамдек бўламан...

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

ОНА ҚИШЛОГИМ

Номинг Чандир — менга жондир, барорим ўзинг,
Қизилқумда яшнаб турган гулзорим ўзинг.
Меҳру ихлос конидирсан, гўзал қишлоғим,
Дилимдаги дийр ичра дайёрим ўзинг,
Қадрдоним она қишлоқ, Чандирим ўзинг.

Тарихан ҳақ, чандирлар ҳам туркӣ уруғдири,
Барлос каби, орлот каби номи улуғдири.
Ўғиз қавми орасида ўқтам, билимдон,
Кураши ўйли адолатга, нурга тўлугдири,
Ушбу нурдан баҳти порлоқ Чандирим ўзинг.

Йигирма тўрт уруғли эл қишлоқ синидир,
Бири Човдир, бири Чандир оға-инидир.
Иғдир, баёт, озорлар ҳам бари қон-қардош,
Марду майдон, алларга бой, гапнинг чинидир,
Порлайвергил мисли маёқ, Чандирим ўзинг.

Гул бағрингда етиши не эл сардорлари,
Довруғ топди устозлари, санъаткорлари.
Олам аро ёймиши улар шону шухратинг,
Ватанимнинг бу фидокор лочин-сорлари,
Мадҳинг айтсам, бўлмас адoқ, Чандирим ўзинг.

Элим букун буркар юртни боғу роғларга,
Баракаи хирмонлари қиёс тогдара,
Мехнатсевар, ўз касбнинг билимдонлари,
Омборлари тўлиб боргай дону ёғларга,
Деҳқондирсан қўли қадоқ, Чандирим ўзинг.

Истиқлоннинг шарафида, дейди Мұхаммад,
Юртим кўрки очилмоқда беҳаду беҳад.
Анъанаалар давом этгай Ватан қўйнида,
Бу шарафга, бу чаманга қўндирмаймиз гард,
Сўнмагайдир бу иштиёқ, Чандирим ўзинг.

Мұхаммад БОБОЕВ,
истеъфодаги полковник.

«ЭНГ ЯХШИ ДЕТЕКТИВ ҲИКОЯ»

(Охири. Боши ўтган сонларда)

Шу дамдан зътиборан Марат хонадан измини ўз кўлига олди. Шўрлик Зиёда унга бир оғиз ортиқча гапиришга қўрқиб, куни билан капрон халта тикиш билан машғул бўлар, кечки пайт эса уларни мижозларга ўтказиб келарди. Тушган пулга катта қоплардан харид қилиб, уларни бузуб, яна халта тайёрлаши билан машғул бўларди.

Бирда Марат икки шеригини бошлаб кедди. Улар роса қўлбola ароқ ичиши. Майшат айни авжига чикқанда Марат бурчакка йигиб қўйилган бўшшишалар ўрнида йўқлигини билиб қолди.

— Номард опам! — у маст-аласт шериларни тутишиб, бурчакка ишора қилди.
— Қаранглар, опажоним шишаларни пуллаб юбориби.

— Боплаб таъзирини бериш керак! — деди ҳамтовоқлардан бири.

— Юринглар, боплаймиз, — қувватлади иккичиси.

Нашавандлар стулларни улоқтириб, идишларни синдира бошлашди. Кейин қўлларига илинган нарсалар — туз, қалампир, қуруқ чойни каравотда ухлаб ўтган Зиёда томонга иргитиши. Айниқса, Марат қутуриб кетди. У опасини каравотдан тортишиб тушириб, дуч келган жойига муштлади, тепди. Бу ҳам етмагандек, темир бўлалги билан савалади. Кетма-кет тушаётган зарбалардан шўрлик Зиёданинг қовурғалари синди, қовуғи қаттиқ шикастланди. У ингроб "илоё жувонмарг бўлмасанг рози эмасман" деганча бу оламдан кўз юмди.

Калаванинг учи топилай деганда яна чувалашиб кетди. "Москвич"нинг ҳайдовчи-си сувга тушган тошдек фойиб бўлган эди. Унга нисбатан туман ички ишлар бўлими томонидан қидирив ўзлон қилинди. Сергей Лининг ташки қиёфаси Розия Холиқова таърифлаган кишиларнига мутлақо ўхшамас эди. Кампир улардан бирортаси корейчча гапирганини ҳам эшитмаган.

— Қотиллар Лини ҳам ўлдириган бўлишлари мумкин, — деди Турдиев Тоживойга.
— Туман марказида киракашлар тўпландиган жой бор. Улардан суриштириб кўриши керак.

Тоживой атрофига ошхона, чойхона, озиқ-овқат дўйконлари ва катта-кичик хизмат кўрсатиши шохобчалари жойлашган, машиналар тирбанд майдончага келганида кун пешиндан оғган эди. Йўловчилар ҳайдовчилар билан кира ҳақини келишиб, туманинг турли томонларига ўйл олишашти. Икки ҳайдовчи Лини танишини айтди. Аммо икки кун оддин оқшом чоғи мижозлари кимлар бўлганини билишмади. Тоживой ҳар эҳтимолга қарши рўпарадаги ошхона олдида кабоб сотаётган йигитга юзланди.

— Аниқ ёдимда, ўша куни Сергей мана шу стуллардан бирида ўтириб, анча пайтгача чой иди, — деди у бироз ҳаёлга толгач. — Кейин икки эркак ва бир аёлни қаергадир ташлаб келди. Вақт алламаҳал бўлганда кетишига тараффудданаётган эдим

унинг олдига 22-24 ёшлардаги бир йигит келиб қолди. У Сергей билан бироз гаплашиб ўтиргач унинг машинасида бирга жўнаб кетди.

— Йигитнинг кўриниши қанақа эди, алоҳида белгилари бормиди? — сўради Тоживой.

— Новчадан келган,mallasoch, оғзин...
— Тез-тез томонини қириб гапирмасмиди?
— Эътибор бермабман.
— Улар қайси томонга кетиши?
— Шаҳар томонга.

Зоиров ён дафтарига пималарнидир ёзиб одди. Ички ишлар бўлимига борищдан олдин йўл-йўлакай

Тоживой марказий бозорда турли ўлчамдаги халталарни сотаётган ўндан ортиқ аёллар билан гаплашди, жабрланувчининг суратини кўрсатди. Аммо уларнинг барчаси танимасликларини айтиб, афсус билан бош чайқашди. Ҳафсаласи пир бўлган тезкор ходим дарвозадан чиқаётib қўлида бир шода халта кўтариб келаётган қизалоқча кўзи тушиб қолди.

— Синглим, шошма, — деди Тоживой унга етиб олар экан. — Бу халталарни қаерга олиб кетаяпсан.
— Ойимга, — деди у бийрон сўзлаб.
— Ойинг шу бозордами?
— Йўқ, улар 3-мавзеда, кўпқаватли уйлар орасидаги болалар майдончаси

ча йигит ҳам халта олиб келган эди. "Мен Зиёда опанинг укасман", деганди.

— Малласоч, тинмай томоқ қирадиган йигит эмасми?

— Ҳа, ўша. Аёл "танир экансизку нима қилардиниз суриштириб" дегандек Тоживойга таажужуб билан қараб қўйди. Ва бироз ўйга толиб деди:

— У раҳматли эрини жуда яхши кўрган экан. Бирга турмуш қурғанларида сова қилган тилла занжирни сира бўйнидан ечмас эди. Занжирнинг юрак шаклидаги кулони ҳам бор. Зиёда марказий бозорга бормасди. Кўпқаватли уйлар орасида савдо қилаётганларнинг кўпчилиги унинг мижози эди. Суриштирангиз балки уйини биладиганлар топилиб қолар.

Марат Маҳкамов аввалига қилган жиноятини инкор этишга уринди. Аммо Турдиев у яшайдан хонадондан олинган қоп, чилвир, темир бўлалги, машина ва дарё бўйидаги жилғазордан топилган пичоқдаги бармоқ излари ҳамда бошқа далилларни келтиргач, бўйин эгиб қолди.

— Ўз опангизни ваҳшийларча калтаклаб ўлдиришингизнинг сабаби нимада? — сўради терговчи.

— Уни ёмон кўрардим, — деди Марат вишиллаб. — Опа бўлатуриб бирор марта турмушимдан хабар олмади. Уйига келгач қаҷон пул сўрасам раҳ жавобини олардим. Ўгай-да. Ўгай бўлмаса шундай қиласмиди?

— Тушунарли. Опангизга-ку нафратингиз кучли экан. "Москвич"нинг ҳайдовчи-сини нега гумдан қилдинглар?

— Айб ўзида, — деди Марат пинагини бузмай. — Дарё орқали қўшни давлатта ўтказиладиган мол бор, деб уни ўйга олиб бордим. Файзивой ака, Асат уччовимиз мурда солинган қопни машина юкхонасига жойлаб, дарё томон йўл олдик. Аммо манзилга етади деганимизда ҳайдовчи "қондаги нарса шубҳали, хуфёна молга ўхшамайди" деб қолди. Индамай кетаверганида ҳеч гап йўқ эди. Манзилга етиб боргач, Файзивой ака уни кўрктиб қўйиш учун чўнтағидан фин пичогини чиқарип, мурватини босди. Аммо унинг механизми ишламай қолиб, пичоқ очимади. Ҳайдовчи машинадан туша солиб "милицияга хабар бераман" деганча қоча бошлади. Файзивой ака иккимиз унга етиб олиб, дуч келган жойига пичоқ, санҷик. Кейин...

— Ўёғи маълум, — деди Турдиев унинг сўзини бўлиб. — Жасадни чуқурга ташлаб, шох-шаббалар билан беркиттансизлар. Яна битта саволимга жавоб берсангиз. Опангизнинг кулонли тилла занжирни кимда?

— Мурдани қонга жойлаёттанимизда Файзивой ака бўйнидан юлқиб олган.

— Ҳам-м... — Турдиев қалбининг туб-тубидан бош кўтариб келаётган ўкирикни зўрга босиб соқчани чакириди. У хонага киргач:

— Олиб кетинг буни, — деди.

Кечга бориб Маратнинг икки шериги ҳам кўлга олинди.

Ҳакимжон ЮНУСОВ,
майор.

курилиш моллари бозорчасига кириб ўтишига аҳд қилди. Айвон устунларини бўяш учун бир банка бўёқ, керак эди. Тоживой бозорчага кираверишда капрон халта харид қилди. Кўзи ундағи "Made in China" деган ёзувга тушиб қолди. "Азамат тадбиркорлар, боплашибди-ку, — хаёлидан ўтказди Тоживой.

— Ҳудди Хитойдан келтирилганда қилиб тикишибди. Материалини қаердан олишаркин? Хитойда ишлаб чиқарилган катта қопларни бузуб, халта тайёрлашлар кўриниб турибди". Унинг ҳаёлига лоп этиб бир ўй келди: "Ахир дарёдан олинган мурда ҳам ана шундай қонга солинган эди-ку". У дарҳол Турдиевга сим қоқди.

— Марҳума ҳаётлигида бозорчи эмас, тикувчи бўлмаганмикан? — деди у терговчига.

— Бўлиши мумкин, — деди Турдиев. — Марказий ва атрофдаги бозорларда халта сотаётганлар билан гаплашиб кўринг. Менда ҳам янгилик бор. Ҳозиргина хабар беришди. Дарё бўйидаги чуқурлидан Сергей Лининг жасадини топишибди. Мурданнинг устига шох-шаббалар ташлаб кўйилган экан. Адирда мол боқаёттан болалар кўриб қолишибди.

олдида савдо қиласмида.

— Халталарни кимдан сотиб олдинг.

— Бозордаги Хатира холадан. Илгари Зиёда ола келтириб берардилар. Бир ҳафтадан бери кўринмай қолдилар.

— Зиёда ола дегин... мабодо манави аёл эмасми? — Тоживой чўнтағидан сурат олиб унга кўрсатди.

— Ҳа, шулар, — деди қизалоқ Зоировга синчков назар ташлар экан. — Сиз бу аёлни танийсизми?

— Афсуски, танимайман-да, синглим. Қани кетдик ойингнинг олдига.

Болалар майдончаси турли хил ўйинлар ўйнаётган кичкентойлар билан гавжум эди. Тоживой олдида курсига кўрт, писта, сигарет ва бошқа майдана-чуйдалар кўйиб олган ўрга ёшдаги аёлга яқинлашиб, салом берди.

— Қизингиз Зиёда исмли аёл халта келтириб бериб турганини айтди, — деди Тоживой ўзини танишиштиар экан. — Менга унинг манзили керак.

— Қаерда яшашини билмайман, — деди аёл Тоживой кўрсатган суратта узоқ тикилиб туриб.

— Балки бирорта танишини биларсиз?

— Бир-икки марта оғзиндан келган, нов-



САЛОМАТЛИК САҲИФАСИ


Масалан, америкалик тадқиқотчиларнинг маълумотларига қараганда, таомлари таркибида семиз, ёғли балиқлар хиссаси кўпроқ бўлган ўсмиirlар бошқа тенгдошлирига қараганда 64 фоиз камроқ полиция рўйхатига тушишган. Оксфорд университетилик тадқиқотчилар жамоаси айниқса, лососось, семга, скумбрия, форель каби балиқлардан тайёрланган таомларни истеъмол қилиб турувчи болалар камроқ тўполон қилишини аниқлашиди. Бунинг сабаби одийгина экан. Яъни, суюкларга кальций қанчалик зарур бўлса, мия учун ҳам "Омега-3" ёғ кислотаси шунчалик зарур. Болаларга бу модда етишмаса, улар диққатларини жамлашга қийналишади, хулқ-атворлари ёмонлашиди.

Балиқ ёғи ақлий қобилятни оширади, кўзни равшан қиласди. Ҳомиладор аёллар ёғли балиқ ёки балиқ ёғи истеъмол қилиб турсалар, фарзандлари соглом, тийирак бўлиб туғилади. Чунки боланинг мияси она қорнидалигида ёк шакллана бошлайди. Аммо оғироёқ аёллар ҳафтасига икки мартадан ортиқ балиқ ейишмагани маъкул. Чунки унинг таркибида оз миқдорда бўлса-да симоб моддаси мавжуд.

Машҳур америкалик шифокор Николос Перрикон лосось балиғидан тайёрланган таомлар юзга пардоз бериш операциясининг ўрнини бошишини исботлади. Маълум бўлишича, лосось ва семега балиқлари таркибидаги "Омега-3" кислотаси терини силлиқлашиб, қариш аломатларини камайтиаркан. Ливерпуль университетида олиб борилган изланишлар шунингдек, балиқ ёғи организмни офтоб уришидан асршини, ҳатто тери саратонининг олдини олишини аниқлади.

"Ланцет" тиббий журналида чоп этилган бир илмий мақолада айтилишича, балиқ емайдиган эркакларнинг жинсий аъзолари саратон хасталигига камроқ чалинишар экан. Бу хulosани АҚШнинг Рутгерс университети тадқиқотчилари ҳам тасдиқлашиди.

XX асрнинг сўнгги йилларида Европа мамлакатларида ёғнинг зарари ҳақида кўп ёзишар, ёғсиз овқатлар ейиш расм бўлганди. Аммо ўтказилган тадқиқотлар организмнинг ёғсизланиши ҳам саломатликка жиддий зиён етказишини аниқлади. Шундан сўнг, айниқса, балиқ ёғига бўлган эхтиёж ортиб кетди. Ҳатто серёғ балиқларни XXI асрнинг шоҳ таоми дея эълон қилишди. Фарблик олимларнинг илмий текширишлари семиз, ёғли балиқлар истеъмол қилинса, юзлар таранглашиб юрак хасталикларига чалиниш хавфи камайиши, ҳатто балиқхўр ўсмиirlарнинг ҳуқуқбузарликларга мойиллиги пасайшини тасдиқлади.



КОНИ ФОЙДА

иммун тизими (қаршилик қобилятни) кучайтириб, саратон хужайраларининг кўпайишига тўсқинлик қиласди.

Шеффилдлик олимлар балиқ ёғи тери касалликларидан псориаз (қичима) касаллигига анча наф қилишини аниқлашиди. Сурункали қичимага чалинган беморларнинг териси қичиши ва қўтириб бўлиши сезиларли камайгани қайд этилган.

АҚШнинг Гарвард тиббиёт мактаби ғакиллари тез-тез балиқ истеъмол қиливчи кишилар юрак хасталигига камдан-кам чалинишини тасдиқлашиди: Россиялик олимлар ҳам "Омега-3" кислотаси инфарктдан ўлиш ҳолатларини бир неча бор камайтиришини исботлашди.

Кембриж университети олимлари эса ушбу кислота астма, артрит каби касалликларнинг олдини олишини кашф этишиди. Англияда нашр этиладиган саратонга қарши хабарномада қизик маълумот эълон килинди. Унга кўра "Омега-3" кислотасига бой овқатларни тез-тез тановул қиладиган аёллар кўкрак саратони хасталигига камроқ чалинишар экан. Бу хulosани АҚШнинг Рутгерс университети тадқиқотчилари ҳам тасдиқлашиди.

Чикагодаги авлиё Лука

тиббиёт марказида ўтказилган тадқиқот ҳафтасига камида бир марта семиз балиқ ейдиган одамлар орасида Альцгеймер касаллиги билан оғригандар 60 фоизга кам эканлигини кўрсатди. Сабаби, "Омега-3" ёғ кислотаси айланадиган моддалардан бирининг етишмаслиги хотирага ўта салбий таъсир кўрсатар экан.

Балиқ депрессияни

даволашда ҳам жуда кўл келади. Скумбрия, форель, лосось каби балиқларни севиб истеъмол қилувчи аёллар енгил бўлганида камданкам депрессияга чалинишади. Япон аёлларига бу хасталик деярли бегона. Калифорниядаги университетлардан бирининг психиатрлари биполяр депрессияга чалинган айрим беморларнинг овқа-

ти

кизлар ўз вақтида шифокорга мурожаат қилишга уялишади. Ичкилик эркакларнинг кўпроқ юрак-қон томир тизимиға салбий таъсир кўрсатса, аёлларнинг ошқозон-иҷак тракти фаолиятини бузади.

Тўйиб ичгандан сўнг эртасига боз оғриқа юз грамм ичишга одатланиш ҳам ичкиликка муккасидан кетганилкнинг аниқ аломатидир. Баъзилар пиянистани экстрасенслар ёки дуохонлар суратига қараб ўқиб, фикрий бўйруқ бериб тузата олади, деб ўйлашади. Бу қараш хато. Уни бевосита даволаш, муолажа жараёнда психологик усуллардан ҳам фойдаланиш керак. Наркологлар беморнинг ўзи хоҳламагунча уни тузатиб бўлмайди, деб хисоблашади. Мутахассислар пиянистани ўзига билдириласдан, дейлик овқатига керакли дори-дармонларни билдиримай қўшиб даволашни ҳам маслаҳат беришмайди.

Муолажа олиб, бундай заарли одатидан халос бўлган киши баъзида 50-100 грамм ичса бўладими, деб сўрарсиз. Йўқ, ҳатто бир қултум, бир чой қошиқ ҳам ичмаслиги керак. Ҳатто бу касалликини бошидан кечирмаган одамга арзимасдек туоладиган миқдор ҳам соғиб беморнинг иродасини букиб, яна ичкилик ботқогига ботириши мумкин. Хуллас, зўрга кутилдингизми, бу зормандани қайтиб оғзингизга ола кўрманг. (N)

тига балиқ ёғи қўшишганда, улар шунчалик тез тузалишиди, натижада шифокорлар бошқа беморларга ҳам балиқ ёғи бера бошлашиди.


Форель "Омега-3" ёғ кислотасига бой. У В дармондорисининг кони бўлиб, тери, соч ва тирноқлар ҳолатини яхшилади.

Скумбрияning янги тутилгани дудланганидан ҳам, консерваланганнан ҳам афзалрок. Консервалаш жараёни маҳсулотдаги "Омега-3" миқдорини камайтириб юборади. Скумбрия шунингдек, В₆ ва В₁₂ дармондориларига бой бўлиб, кишини саратон ва юрак хасталикларидан ҳимоя қиласди.

Лосось таркиби "Омега-3" кислотасига бойлиги бўйича форель ва скумбриядан ҳам афзалрок. У А ва Д, В гурух дармондориларига ҳам бой.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Андижон вилояти Жалолқудук тумани ИИБ томонидан жиноят содир этиб, терговдан яшириниб юрган қуйидаги шахслар қидирилмоқда.




Икром Мухитдинович Зулунов, 1964 йилда туғилган. Андижон шахри Б. Раҳимов кўчасида яшаган.



Косимжон Олимжонович Зулпихаров, 1980 йилда туғилган. Пахтачи маҳалласида яшаган.



Урман Усманович Исмаилов, 1961 йилда туғилган. Ойим кишлоғи, Андижон кўчаси, 254-йуда яшаган.




Бахтиёр Абдуллаевич Якубов, 1970 йилда туғилган. Андижон шахри, Литвинова кўчаси, 43-йуда яшаган.



Исройл Ибраҳимжонович Дорбушев, 1982 йилда туғилган. Шодлик кўчаси, 10/6 йуда яшаган.

Юқорида исм-шағиғлари зикр этилган шахсларни кўрган-билганинг яқин ўртадаги ички ишларидаги идорасига хабар беришларини сўраймиз.



ВА ... КОНИ ЗИЁН

Кишини эс-хушидан айриб, мастилувчи ичимликлар ислом шариатига кўра аввалимбор ҳаромдир. Қолаверса, спиртли ичимликларнинг зиёни ҳам кўп.

Айримлар озгинадан пиво ичиб турса, киши пияниста бўлиб қолмайди-ку, деб ўйлашади. Бу хато фикрdir. Аввалимбор оз-оз, аста-секин кўп-кўпга айланishi ҳеч гап эмас. Қарабсили, пиянистага айланасиз-қоласиз. Қолаверса, пиво биринчи навбатда буйрак ва юракка салбий таъсир қиласди.

Юқорида айтганимиздек, кўчилик ҳар ким ўз меъёрини билиши керак, ўшанда мастилувчи ичимликларнинг бўлмайди, кайф бўлмайди, маза қиласди, холос, деб ўйлашади. Бирда у, бирда бу баҳона бўлиб меъёрга бузасиз, кейин меъёрга амал қилмаслик одатинизга айланади. Ичкиликка берилишнинг биринчи белгиси хотира-нинг ёмонлашиши ёки эрталаблари кўнгил айниши эмас, айнан меъёрга туйғусининг йўқолишидир.

Айримлар овқат олдидан қиттайгина отилса, ҳазм осонлашади, деб ўйлади. Бўлмаган гап. Оз микдордаги алкоголь иштаҳани кўзгайди, аммо ҳазмни ҳеч ҳам осонлаштирмайди. Отган юз грамингиз учун ҳеч қачон қизиллўнгачингиз ҳам, меъдангиз ҳам, ошқозон ости бе-зингиз ҳам сизга раҳмат айтмайди.

Аёллар организмни ичкиликка тез бериувчан бўлади. Бунинг устига хотин-



Жиноятчига жазо муқаррар

Иброҳим каттагина уйни арzonга сотиб олгандан беҳад қувонди. Уй эгасининг содда, бўш-баёвлигини кўнглида ўзининг эпчилигию устомонлигига йўиди. Уйни олишга олдию, аммо кўчиб ўтишни пайсалга соловерди. Вақт ўтса ҳамки негадир оёғи тортмасди. Ҳайҳотдек уйда ҳеч ким яшамагач, хувиллаб, нурай бошлади. Иброҳим иморат бекор туриб, талон-торож қилинмасин, деб ижарачи кўйишга аҳд қилди. Бироқ қишлоқ жойда ижарачи топиш осон бўлмади. Ниҳоят, эр - хотин Карим ва Наималар томорқадан гўёки фойдаланиш шарти билан кўчиб келишиди. Улар рўзгорни юритиш мақсадида бир нечта чўчқа сотиб олишиди. Саҳарда чўчқаларнинг ҳолидан хабар олгани кирган Наиманинг эси чиқиб

кетди. Ҳайрият, турмуш ўртоғи уйда. Ранги куб ўчган Наима саросимада эрини чақирди. Чўчқалар одамнинг бош суюгини у ёқдан бу ёққа коптоқдек думалатиб ўйнашарди. Афтидан, уни ўзаро талашишар, сал нарида яна суюклар ётар, бадбўй хидга чидаб бўлмасди. Улар шу ердан кавлаб олинганини тупроқ ўюмидан билиш қийин эмасди.

Карим уй эгасини воқеадан хабардор этди. Иброҳим собиқ уй эгасидан бу жой аввал қабристон бўлмаганми, дея сўрамаганидан афсусланаркан, унинг тезда кўна қолгани сабабини тушунгандай бўлди. “Мен эса қойиллатдим, деб юрибман-а! Мана гап қаёқда экан,” дея ўзини койиди. Эҳтимол, шу боис бу ерда яшашига кўнгли чопмагандир. Суякларнинг кўмилганига ҳали кўп вақт бўлмагани кўриниб туриди. Иброҳим фурсатни бой бермай, дарҳол туман ИИБга мурожаат этди. Тезкор ходимлар, жасаднинг кўмилганига тахминан тўрт ойлар бўлиб қолгани, бу қотиллик жинояти эканлигини аникладилар. Жиноятни очиш бўйича тузилган тезкор гурӯх бир неча йўналишда суриштирув ишларни бошлаб юборди.

Бошданоқ собиқ уй эгасининг “утмиши”, уйни арzon-гаров сотиб юбориши қотилликка алоқадорлиги, акси бўлган тақдирда жумбоқни ечишда асосий гувоҳ эканлигига ишора этарди. Жасад унча чуқур кўмилмагани ҳам гумонни тасдикларди. Бироқ буни ҳали исботлаш керак. Сўраганлар жўяли бирор гап айтишмади. Собиқ уй эгаси на кўрсатилган манзилда, на рўйхатда бор эди. Уни тахминан қаердан қидириш мумкинлиги ҳам даргумон. Шунга қарамай, ходимлар саъй-ҳаракатларни бўшаштиришмади. Кўп

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаси Чироқчи тумани ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи, подполковник Ў. Расулов хамда профилактика инспектори, капитан Р. Расуловга оталари

Фармон

РАСУЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Транспорт ИИБ ҳамда Тошкент темир йўл бекати тармок ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент темир йўл бекати тармок ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари, подполковник Э. Гиясовга волидаи муҳтарамаси

Озот аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ОФИЛХОНАДАГИ

кетди. Ҳайрият, турмуш ўртоғи уйда. Ранги куб ўчган Наима саросимада эрини чақирди. Чўчқалар одамнинг бош суюгини у ёқдан бу ёққа коптоқдек думалатиб ўйнашарди. Афтидан, уни ўзаро талашишар, сал нарида яна суюклар ётар, бадбўй хидга чидаб бўлмасди. Улар шу ердан кавлаб олинганини тупроқ ўюмидан билиш қийин эмасди.

Карим уй эгасини воқеадан хабардор этди. Иброҳим собиқ уй эгасидан бу жой аввал қабристон бўлмаганми, дея сўрамаганидан афсусланаркан, унинг тезда кўна қолгани сабабини тушунгандай бўлди. “Мен эса қойиллатдим, деб юрибман-а! Мана гап қаёқда экан,” дея ўзини койиди. Эҳтимол, шу боис бу ерда яшашига кўнгли чопмагандир. Суякларнинг кўмилганига ҳали кўп вақт бўлмагани кўриниб туриди. Иброҳим фурсатни бой бермай, дарҳол туман ИИБга мурожаат этди. Тезкор ходимлар, жасаднинг кўмилганига тахминан тўрт ойлар бўлиб қолгани, бу қотиллик жинояти эканлигини аникладилар. Жиноятни очиш бўйича тузилган тезкор гурӯх бир неча йўналишда суриштирув ишларни бошлаб юборди.

Бошданоқ собиқ уй эгасининг “утмиши”, уйни арzon-гаров сотиб юбориши қотилликка алоқадорлиги, акси бўлган тақдирда жумбоқни ечишда асосий гувоҳ эканлигига ишора этарди. Жасад унча чуқур кўмилмагани ҳам гумонни тасдикларди. Бироқ буни ҳали исботлаш керак. Сўраганлар жўяли бирор гап айтишмади. Собиқ уй эгаси на кўрсатилган манзилда, на рўйхатда бор эди. Уни тахминан қаердан қидириш мумкинлиги ҳам даргумон. Шунга қарамай, ходимлар саъй-ҳаракатларни бўшаштиришмади. Кўп

хизматига дастёрни истаган Мурод ижара ҳақини кейинроқ келишишини айтиб, тўғри уйга бошлайди. Йигит радио, телевизор каби асбоб – ускуналарни уйма-уй юриб тузатар, қўли очик, топганини Мурод билан баҳам кўрарди. Вақт ўтган сари Мурод ундан кўпроқ нарса талаб қила бошлади. Унинг жizzакилиги, иҷиб олгач, на ўзи, на сўзини назорат қилолмаслиги ўзаро жанжалларга сабаб бўларди.

Охири Мурод унинг ишлаб топган пулларини ҳисоб-китоб қилиш, ўзини эса турли қаллобликларда айблаш даражасига етди.

Ўша куни Мурод йигитнинг кеч қайтганини буюртмалар кўплиги учун анча пул ишлаганиккага йўиди. Йигит кириб келиши билан ижара ҳақи ошганини маълум қилди. Шундай ҳам, топгани ўртада бўлиб, иштаҳаси карнай мезбонни боқиб, бир мири ортира олмаётган бояқишининг сабри тугади.

– Ака, одамни жуда безор қилдингиз-ку! деди у. – Уйингиз ўзингизга буюрсин! Бу ерда турсам кафансиз қоламан шекилли. Кетаман! Эртагаёт, йўқ, ҳозироқ чиқиб кетаман.

– Хўй, бола, қаёқса борасан?! Бирор ҳужжатинг бўлмаса. Милиция ушлаган заҳоти обориб тикиб кўяди. Уч-тўрт сўм топиб, кўзингни ёғ босдими дейман?

– Ака, ҳадеб дўй-пўпса қиласверманг. Топширсангиз ана топшираверинг. Сиз билан яшагандан кўра ит билан яшаганим яхши.

– Мен ҳали ит бўлдимми? Сен мени ит деяпсанми... ўй-ўй бола.

У шундай дея хонтахта устига ётган пичноқни олиб, йигитнинг дуч келган жойига санчди.

Нима қилиб кўйганини англаган Мурод уни тезроқ йўқотиш пайига тушди. Овлоқроқ жойга бир кўллаб олиб боролмаслигига кўзи етгач, ўйлаб-ўйлаб оғилхонага кўмишга аҳд қилди. Чуқур кавлашдан аввал қўни-кўшнилар воқеадан нечогли боҳабарлигини билиш учун “разведка” қилди. Ҳайтовур, улар ҳеч нарсани пайқамабди. Кўча эшикни маҳкам беркитган Мурод молхона ичida чуқур қазий бошлади. Бир қўли бўлмаганлиги унга панд бериб, тез толиқди. Лаҳат кичкина ва чуқур бўлмаганидан мурдани куч билан жойлаштириш, сифмаган бошини кесишга тўғри келди.

Шундан кейин Мурод тунлари ухлай олмайдиган бўлиб қолди.

Ҳовлига оёқ кўйиш азобга айланди. Гўёки йигитнинг бегуноҳ руҳи уни чангакдек сиқувга олар, бешарпа ёнма-ён юради. Тушлари алоғ-чалоғ бўлиб, ҳаловати йўқолди. Йўқ, бу ўйдан кетмаса бўлмайди, яшириниш керак. Уйни ташлаб эмас, сотиб кетади, вассалом. Пул бўлса панароқ жойда жон саклаш мумкин.

Гарчи излар “совиган” бўлишига қарамай, Ўртачирчиқ тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник М. Сафаров, тергов бўлими бошлиғи, подполковник Н. Абдулазизов, тезкор вакил, майор Т. Мўминов, “Ўртасарой” кўргони милиция бўлинмаси бошлиғи, капитан Ш. Абзалов, профилактика инспектори, майор Р. Астановларнинг саъй-ҳаракатлари билан мудхиш жиноят ўша куниёқ фош этилди.

Мұхаббат ИБРАГИМОВА.

Фармон

РАСУЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Озот аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ўтмай собиқ уй эгасининг дараги чиқди.

Мурод муқаддам бир неча марта судланган бўлиб, ёлғиз ўзи яшарди. Унинг ноқобиллигидан кўйган отонаси бирин-кетин омонатни топширишгач, шу уй “кўйдирги” ўғилга ёдгорлик бўлиб қолди. Жizzакилиги, майда гаплиги, қингир йўлдан кетгани боис қариндош-уруглар у билан алоқани ўзишган, қўни-кўшнилар эса эҳтиёткорлик билан муомала қилишарди. Ўзи ҳам унча-мунча одамга кўшилмас, одамовироқ бўлиб қолган ўзишди.

Ўтган ўйли бозорда Мурод бир йигитни учратди. У мусофири, ҳунарли бўлиб, бошпана излаб юрган экан. Ёлғизлик обдон тинкасини куригтан, кўнгли бир суҳбатдош,

ўша куни Мурод йигитнинг кеч қайтганини буюртмалар кўплиги учун анча пул ишлаганиккага йўиди. Йигит кириб келиши билан ижара ҳақи ошганини маълум қилди. Шундай ҳам, топгани ўртада бўлиб, иштаҳаси карнай мезбонни боқиб, бир мири ортира олмаётган бояқишининг сабри тугади.

– Ака, одамни жуда безор қилдингиз-ку! деди у. – Уйингиз ўзингизга буюрсин! Бу ерда турсам кафансиз қоламан шекилли. Кетаман! Эртагаёт, йўқ, ҳозироқ чиқиб кетаман.

– Хўй, бола, қаёқса борасан?! Бирор ҳужжатинг бўлмаса. Милиция ушлаган заҳоти обориб тикиб кўяди.

– Ака, ҳадеб дўй-пўпса қиласверманг. Топширсангиз ана топшираверинг. Сиз билан яшагандан кўра ит билан яшаганим яхши.

– Мен ҳали ит бўлдимми? Сен мени ит деяпсанми... ўй-ўй бола.

У шундай дея хонтахта устига ётган пичноқни олиб, йигитнинг дуч келган жойига санчди.

Нима қилиб кўйганини англаган Мурод уни тезроқ йўқотиш пайига тушди. Овлоқроқ жойга бир кўллаб олиб боролмаслигига кўзи етгач, ўйлаб-ўйлаб оғилхонага кўмишга аҳд қилди. Чуқур кавлашдан аввал қўни-кўшнилар воқеадан нечогли боҳабарлигини билиш учун “разведка” қилди. Ҳайтовур, улар ҳеч нарсани пайқамабди. Кўча эшикни маҳкам беркитган Мурод молхона ичida чуқур қазий бошлади. Бир қўли бўлмаганлиги унга панд бериб, тез толиқди. Laҳat кичкина ва чуқур бўлмаганидан мурдани куч билан жойлаштириш, сифмаган бошини кесишга тўғри келди.

Шундан кейин Мурод тунлари ухлай олмайдиган бўлиб қолди.

Ҳовлига оёқ кўйиш азобга айланди. Гўёки йигитнинг бегуноҳ руҳи уни чангакдек сиқувга олар, бешарпа ёнма-ён юради. Тушлари алоғ-чалоғ бўлиб, ҳаловати йўқолди. Йўқ, бу ўйдан кетмаса бўлмайди, яшириниш керак. Уйни ташлаб эмас, сотиб кетади, вассалом. Пул бўлса панароқ жойда жон саклаш мумкин.

Гарчи излар “совиган” бўлишига қарамай, Ўртачирчиқ тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник М. Сафаров, тергов бўлими бошлиғи, подполковник Н. Абдулазизов, тезкор вакил, майор Т. Мўминов, “Ўртасарой” кўргони милиция бўлинмаси бошлиғи, капитан Ш. Абзалов, профилактика инспектори, майор Р. Астановларнинг саъй-ҳаракатлари билан мудхиш жиноят ўша куниёқ фош этилди.

Мұхаббат ИБРАГИМОВА.

Бахтиёр Ўрмоно-вич Юсупов, 1974 йилда туғилган. Тешиктош қишлоқ фуқаролар йигини худудида яшаган.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Андижон вилояти Жалолқудук тумани ИИБ томонидан жиноят содир этиб, терговдан яшириниб юрган қуидаги шахслар қидирилмоқда.



Сафербой Тоҳторорвич Ботаев, 1980 йилда туғилган. Ёрқишлоқ қишлоқ фуқаролар йигини худудида яшаган.



Сотволди Салиевич Мамадалиев, 1957 йилда туғилган. Кўрғонтепа тумани “Истикбол” ширкат хўжалиги Ободон маҳалласида яшаган.



Бахридин Баҳодирович Аблазов, 1976 йилда туғилган. Ҳолматов кўчаси, 57-йида яшаган.



Китоб жавонингизга

МАРД ЎҒЛОНЛАР ХОТИРАСИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Бирлашган таҳтирияти
кутубхонаси

ҚАҲРАМОНЛАР
МАНГУ
ЯШАЙДИ



ТЕРРОРЧИЛАРДАН САҶЛАНИШ МУМКИН

Кейинги йилларда сайёрамизнинг турли худудларида рўй берётган террорчиликнинг ёвуз кўринишлари тобора кучайиб бормоқда. Бугунги кунга келиб, терроризм деярли ўзининг мукаммал, аниқ мақсадларга йўналтирилган системасига эга бўлган даҳшатли ташкилотга айланаб улгур-

ди. Ана шу вазиятдан келиб чиқкан ҳолда "Терроризм хақида нималарни билишим шарт?" деб номланган кўлланма яратилди. Ушбу кўлланма одамлар гавжум бўладиган жойлар – темир йўл бекатлари, аэропортлар, автошоҳбекатлар, йирик дўйонлар, кинотеатрлар, концерт заллари, маданият

сарайлари, таълим-тарбия муассасаларининг раҳбарлари ҳамда ходимларига, шунингдек, кенг оммага мўлжалланган. Унда террорчилар томонидан қўлланидиган портловчи қурилмалар, кўпорувчилик хавфиганда қўриладиган хавфсизлик чоралари тўғрисида маълумотлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Бирлашган таҳтирияти
кутубхонаси



2004 йил март, апрель ва июль ойларида пойтахти мизда, Тошкент ва Бухоро вилоятларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари чоғида бир қатор ички ишлар ходимлари ҳалок бўлдилар, кўплари турли даражада тан жароҳати олиб, азиат чекдилар. Улар мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган ички ишлар ходимлари ҳақида ҳикоя қилинади.

аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган кўплаб ҳолатларга йўл қўйилмади. Иқтидорли журналистлар қаламига мансуб "Қаҳрамонлар мангут яшайди" деб номланган тўпламда террорчилик ҳаракатлари пайтида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган ички ишлар ходимлари ҳақида ҳикоя қилинади.



ҚЎШНИЛАР

(Қатра)

Эшмамат уй курди. Аммо томни ёпиш учун бир дона шифер етмай қолди. – Қўшнимизнинг деворига суялган шифер туриди, бир дона сўраб чиқ, – деди хотинига. – Мен кирмайман, – деди хотини. – Кеча қўшнимизнинг боласи касал бўлиб қолганда, машинанинги сўраганида бензин йўқ деб баҳона қилгандингиз. Мана, қўшнига ишимиз тушди. Олдига ўзингиз киринг.

Эшмамат қўшнисини киринг. У билан кўришиб, секин сўради:

– Қўшни, томга бир дона шифер етмай қолди. Деворингизга суялган эски шиферингиздан берсангиз, эскилиги учун ярим нархини берардим, майлими?

Тошмамат ўлланиб қолди. Эшмамат яна илтимос қилди:

– Майли, бозор нархида берамиз, қўшни. Бир дона шифер учун шаҳарга тушиб юрмайлик. Ҳамсоя – қўшнимиз-ку!

Бир-биримизга керакмиз ахир!

Тошмамат яна бироз жим турди. Сўнг гап бошлади:

– Ҳа, қўшнимиз. Ўзингиз айтгандек, бир-биримизга керакмиз. Сиз бир дона шифер сўрабсиз. Ана, ўн дона туриди. Ҳаммасини олинг. Пулга эмас, бекорга. Сиз ўй қурдингиз, устарларни йўклаб, уч-тўрт марта кирдим,олос. Кўп кира олмадим. Узр, қўшнижон.

– Пулини берай, бир дона кераколос, қўшни.

– Яна пулдан гапирдингиз-а. Ён қўшни-жон қўшни, дейдилар. Кани, мен шиферни ушладим, сиз ҳам бир томонидан кўтаришинг. Нега туриб қолдингиз?! Кани ушланг-чи.

Эшмамат шифернинг бир томонидан ушлаётуб, зўрға "раҳмат" деб олди,олос.

Жалолиддин ТУРДИЕВ.


ИТАЛЬЯНЧА КРОССВОРД

КРИПТОГРАММА

12	6	4	-
7	5	11	-
3	2	3	9
8	10	6	-
1	2	8	2

- Шифобахш куз меваси.
- Матонат. З. Эркин Воҳидов қасидаси.
- Баҳор гули.
- Хафта куни.
- Ранг. 7.Бразилия адаби.
- Шоҳмотдаги ҳолат.
- Африка дарёси.
- Қовун нави.
- "Шоҳнома" қаҳрамони.
- Чех шоҳмотчиси.
- Падар.
- Абдулла Қаҳҳор ҳикояси.
- Яхудий адаби.
- Насрий асар.
- Яқин киши.
- Нота.

- Тошкентдаги туман.
- Чок тури. З.Иш жонивори.
- Хайронлик. 5.Халқ қўшиғи.
- Энг биринчи инсон.
- Гуллар шаҳри.
- Мева. 9. Эъзозли зот.
- Дур. 11.Мусика йўналиши.
- Индонезия худуди ороли.
- Тузок. 14.Кино мукофоти.
- Организм мутахассиси.



Ф.ОРИПОВ тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 1. Каска. 5. Пинкертон. 8. Хичкок. 9. Буйруқ. 11. Алиби. 13. Туман. 14. Далил. 15. Бурч. 16. Лион. 19. Карапэ. 20. Адамов. 23. Боб. 25. Фармон. 26. Малака. 27. Богомолов. 28. Гросс.

БЎЙИГА: 2. Свердлин. 3. Видок. 4. Қонун. 6. Тинтуб. 7. Шукшин. 10. Рагунат. 12. "Жасорат". 17. Баччан. 18. Кодекс. 21. Коломбо. 22. Погон. 24. Майор.

О'ЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASI IV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir
Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir
o'rningosari
Erkin
SATTOROV
Mas'ul kotib
Rahmatilla
BERDIYEV

Navbatchi
Qobiljon
SHOKIROV
Sahifalovchi
Zokir
BOLTAYEV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rningosari 54-37-91.
Kotibiyat 139-73-88.
Muxbirlar 59-27-15.
139-77-23.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
2021000700447980001,
MFO 00421.
«Ipak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat
bankining Mirzo
Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA
2003 YIL 24 NOYABRDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN
Buyurtma J-000712.
Bosilish — ofset usulida.

- Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart
- Mualifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniligi uchun mualiflar javobgordirlar.
- Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Hajmi — 6 bosma taboq.
50471 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Bosishga topshirish vaqtgi — 21.00.
Bosishga topshirildi — 21.00.

«O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona maʼnizi:
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.
N — Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.

КЕЙИНГИ СОНДА
УЧРАШГУНЧА ХАЙР!

... ВА НИҲОЯТ

Ҳар бир мусулмон кишига садақа қилишилик вожибидир. Агар садақага нарса тополмаса қўли билан ишлаб ўзига ва садақага нарса топсин. Унга ҳам қурби етмаса, муҳтожларга ёрдам берсин. Уни ҳам қилолмаса, одамларни яхши амалларга буюрсин. Уни ҳам қилолмаса, ёмонликлардан сақлансин, шу билан ҳам садақа қилганинг савобини топаверади.

Ҳадисдан.

КЕЙИНГИ СОНДА
УЧРАШГУНЧА ХАЙР!